O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 29 феврал сешанба

Сотувда эркин нархда № 42 (2339)

Ташаббус қанот ёзди

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ...

Якшанба куни бозорга йўлим тушди. Уни обдон айлангим келди.

Бозор этагида гул, дарахт кўчати сотаётганларни кўриб, янгиландим – баҳор нафасини туйгандай бўлдим.

Бу ер ҳамма жойдан кўра гавжум экан. Ниҳол сотувчининг қўли-қўлига тегмайди.

– Бозор чаққон-ку, – дейман унга.

– Нима, хабарингиз йўқми? Президентимиз ҳар бир туғилган чақалоққа атаб дарахт экамиз, дегандилар-ку...

Дарвоқе... Демак, юртимизда яна бир ташаббус қанот ёзибди. Мамлакатимиз раҳбари Конституция кунига бағишланган тантанада 2000 йилни «Соғлом авлод йили» деб эълон қила туриб: **«Таклифим шундан иборатки, одамлар истиқомат қиладиган ҳар қандай жойда – у шаҳар бўладими, туман маркази, қишлоқ ёки овул бўладими – чақалоқ дунёга келиши билан унинг ота-онаси ўз яқинлари, ёрубиродарлари билан биргалашиб, шу жойларнинг энг кўзга кўринган, алоҳида ажратилган ерида, унумли тупроқда шу беғубор гўдакка атаб яхши ният, орзу-умид билан дарахт экса»** дегандилар.

Қаранг, ниҳол кўпайтирадиган деҳқон аллақачон ўша ташаббуснинг моҳиятини англабди. Нафақат англабди, балки унинг кенг қанот ёзишига ҳисса қўшишга ҳам улгурибди. Деҳқон англабдими, демак, бу ташаббус сўнмайди, ўлмайди.

Мамлакатимиз раҳбари бу тадбирни **«халқимизнинг одатига айланишини, ҳар бир экилган дарахт рамзий маънода ҳаёт абадийлигининг тимсоли бўлиб қолишини»** орзу қилаяпти. Бу шунчаки ҳаракат, шунчаки тадбир эмас. У, **биринчидан, халқимизни ўзлигига қайтариш, ўзлигини танитишга қаратилган яна бир восита. Миллий қадриятларимизни асраш, тиклашга чоғланган умуминсоний, умуммиллий сафарбарликдир.** Ўтмишда аждодларимиз саналган шоҳлар, бою боёнлар отаоналари, фарзандлари, суюкли маликалари, улуғ алломалар, пирларига атаб мақбаралар тиклаганлар, қасрлар қурдирганлар, шаҳарлар бунёд этганлар. Лекин бунга ҳамманинг ҳам қурби етмаган – алоҳида шахсларгина имкон топганлар. Бу **ташаббуснинг иккинчи ёрқин жиҳати, унинг ниҳоятда халқоналиги, халқчиллигидадир.** Зеро, дарахт экишга ҳамманинг ҳам қурби етади, ҳамма ҳам имкон топа олади. Фақат қунт ва ҳафсала бўлса кифоя.

... Биз у пайтда ёш бола эдик. Қишлоғимизда Курбон момо деган ҳам бева, ҳам фарзандсиз кампир яшарди. Курбон момонинг ўзига яраша кулбаси, уни ўраб турган чоғроққина боғи ҳам бўларди. Момонинг чоли безгакдан эрта ўтган, ёлғиз ўғли урушдан қайтмаган – бедарак кетган эди. Курбон момо уззукун боғи этагидаги бир туп ўрикнинг тагида қимирламай – бир нуқтага тўрмулганча ўтиравераркди. Баъзида дарахтнинг тагини юмшатар, дам сув қуяр, дам силаб-сийпаларди. Унинг учун ёруғ дунёда шу ўрикдан яқинроқ бошқа нарса гўё йўқдай эди. Бир куни момомдан бунинг сабабини сўрадим. Айтишларича, шу ўрик момога урушда бедарак кетган ёлғиз ўғли – Турсуналини эслатиб тураркан: ўрикнинг ёши раҳматли Турсуналининг ёши билан теппа-тенг экан. Мамлакатимиз раҳбарининг **«Энг муҳими шуки, ота-она ўз фарзандини қандай меҳр билан парвариш қилса, у ўз қўли билан ўтқазган дарахтга ҳам ана шундай муносабатда бўлади»,** деган гаплари менга болалигимни, болалигимдаги ана шу манзарани эслатди.

Бу ташаббуснинг **учинчи муҳим жиҳати инсонда, халқимизда табиатга, унинг ҳар бир унсурига нисбатан меҳр уйғотиш, муҳаббат уйғотишдир. Токим мамлакатимиздаги ҳар бир киши табиатдаги ҳар бир жонзотни кўз қорачиғидай асрасин.** Ислом Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида минтақадаги экологик муаммоларни хавфсизликка таҳдиднинг бир кўриниши сифатида баҳолаган эди. Ҳар қандай муаммони ечиш амалий иш, амалий қадамдан бошланади. Мамлакатнинг ҳар бир фуқаросини дарахт экиш ва уни фарзандидай парвариш қилишга даъват этиш, ташаббус кўрсатиш, сўз ва иш бирлигининг ёрқин намунасидир. Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда аҳоли сони 1996 йилда умумий аҳоли сонига нисбатан 2,0 фоиз, бир йилда 450 минг кишига кўпайган. Жаҳон андозалари бўйича катта шаҳарларда ҳар бир одамга 50 квадрат метр кўкаламзорлаштирилган жой тўғри келса, меъёрдагидек ҳисобланар экан. Тошкент шаҳрида бу айни пайтда 48 квадрат метрни ташкил қилади. Демак, «агар бу тадбир халқимизнинг одатига айланса» ҳамма йирик шаҳарларимиз ҳам ҳадемай жаҳон меъёрлари даражасига яқинлашади.

Бу **ташаббуснинг тўртинчи яна бир жиҳати шундаки, экилган дарахт энди оддий дарахт эмас, балки фарзандига «яхши ният, орзу-умид билан» аталган, жондай азиз бўлиб вояга етади.** Бу дарахт энди ҳеч қачон қаровсизлик ёки суvсизликдан нобуд бўлмайди, уни ҳеч қачон, ҳеч ким синдирмайди, бевақт кесиб тандир ёки ўчоқ учун ишлатмайди.

Бундан 5-6 йил аввал терак экиш авж олган эди. Яшириб нима қиламиз, бир-икки йил экилди-ю, кейин бирданига шашти сўнди. Ҳатто кўплаб тераксорлар қаровсизлик, эътиборсизлик туфайли қуриб-қовжираб қолди. Масалан, ўшанда «Сирғали–7» мавзеининг шундоқ биқинида ярим гектарга яқин жойга тераксор барпо қилинган эди. Ҳозир ўшанча ниҳолдан бир дона ҳам қолмаган. Бундай мисолни яна келтириш мумкин. Маълумотларга қараганда, ўтган йил Тошкент шаҳар ҳудудида 17 минг 300 туп манзарали, 13 минг 200 туп мевали дарахт, 83 минг туп терак, 43 минг туп бута, жами **156 минг 500 туп** дарахат экилган. Мутахассисларнинг фикрича 5 ёшдан 9 ёшгача бўлган дарахт кўчатининг 90 фоизи, 2-4 ёшли кўчатнинг эса 80-85 фоизи кўкарар экан. Четдан келтирилган дарахтларнинг 50 фоизи униб-ўсиши мумкин. Агар шунча дарахтнинг ҳар йили ақалли 80 фоизи кўкариб унганда эди, пойтахтимизда айни пайтда 5 миллиондан зиёд эмас, балки ундан бир неча баробар кўп дарахт барқ уриб ўсаётган бўларди. Демак, бу ташаббус энди табиатни, дарахтни асрайди, нобудгарчиликларнинг олдини олади, энг муҳими, **табиатга онгли муносабат пайдо бўлади, экология маданияти шаклланади.** Халқимиз уни содда қилиб «Яхшидан боғ, ёмондан доғ қолади», дейди. Боғларимиз кўпаяверсин, ҳамиша шовуллаб, бизни уйғоқликка, ҳушёрликка чорлайверсин.

Исмат ХУДОЁРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАЛАРИ

Кейинги йилларда Қувасойдаги «Кварц» акциядорлик жамияти фаолияти янги босқичга кўтарилди. Айни пайтда бу ерда 34 турдаги ойна ва шиша идишлари ишлаб чиқарилмоқда.

Маҳсулотнинг сифат даражаси халқаро андозаларга мослиги боис харидорлар сафи тобора кенгайиб бораяпти.

Маълумки, шу пайтга қадар ҳиссадорлик жамияти фақатгина мамлакатимиздаги корхона ва ташкилотларга маҳсулот етказиб берарди. Эндиликда ишлаб чиқариш жараёнлари янада такомиллашгани, замонавий технологиялар олиб келингани боис «Кварц» маҳсулотлари жаҳон бозорига йўл олмоқда. Бу, албатта, мамлакатимиз иқтисодини мустаҳкамлаш учун валюта тушумини кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

СУРАТЛАРДА: жамият бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати (ўнгда) Убайдулло Отабоев тажрибали уста Акмал Сулаймонов билан; ойна ишлаб чиқариш цехи устаси Мадумар Эргашев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган суратлар.

ИШОНЧ ЁРЛИҒИ ТОПШИРИЛДИ

24 феврал куни Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Алишер Файзуллаев Қиролича Елизавета Иккинчига ишонч ёрлиғини топширди.

Ёрлиқ топшириш маросимида Қиролича Ҳазрати Олиялари ўзбек халқининг қадимий тарихи ва кўп асрлик маданиятига ўзининг юксак ҳурматини изҳор этди. Қиролича Елизавета Иккинчи Ўзбекистон Республикаси билан Бирлашган Қироллик ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг тадрижий ривожланишига асос солган И. Каримовнинг 1993 йил ноябр ойида Лондонга қилган ташрифини самимият билан ёдга олди.

Суҳбат давомида томонлар ўзаро ҳамкорликни бундан буён ҳам ривожлантиришдан ҳар икки мамлакат манфаатдор эканини тасдиқладилар.

«Жаҳон» АА.

Соғлом авлод сарчашмалари

Президентимизнинг Соғлом авлод бўйича Республика комиссияси мажлисида билдирган фикрларидан келиб чиқиб, газетамиз мазкур рукнни очди.

ОИЛА

Инсоният тарихида оиланинг ўрни қанчалик аҳамиятли бўлса, миллатимизнинг асл қадриятлари қарор топиши, такомиллашуви ва сақланиб қолишида ота, она, фарзандлардан иборат ўзига хос жамоанинг таъсири бундан-да муҳимроқдир.

Одам боласи оилада кўз очиб, оламни кўради. Мурғак гўдакнинг дунёвий тасаввурлари ҳам атак-чечак қилган, тили чиққан хонадондан бошланади. Жисмоний униб-ўсиш ҳам, маънавий камолот ҳам оиладаги муҳит билан бевосита боғлиқдир. «Қуш уясида кўрганини қилади» деган мақол аслида инсон тарбияси ҳақида.

Эҳтимол, бошқа миллатларда оила инсон ҳаётида хонадон, рўзғор каби маиший маъно касб этувчи тушунчалар сифатида таҳлил этилар, лекин бизда оилани чуқур маънавий-ахлоқий қоидаларга итоат этувчи кичик мамлакатга қиёс этса бўлади. Баркамол, соғлом авлод ҳар жиҳатдан намунали оилада тарбия топади. Шулар ҳақида ўйлар эканмиз, 1998 йилни давлатимиз раҳбари Оила йили деб бежиз эълон қилмаганларини яна бир бор англаб етгандай бўламиз.

Қирғизистондан мактуб

ҚАРДОШЛАР ИШОНЧИ, ЭҲТИРОМИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кўламли ишлар, ислоҳотларнинг амалий натижаси, аҳолининг турмуш фаровонлиги ўсиши, энг аввало, Йўлбошчимизнинг узоқни кўзлаб олиб бораётган оқилона сиёсати, юртимиздаги тинчлик ва барқарорлик, халқимизнинг фидокорона меҳнатлари самарасидир. Бугунги кунда бу ҳақиқатни қардош, қўшни халқлар ҳам чин дилдан эътироф этишмоқда.

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига қайта сайланиши муносабати билан қўшни мамлакатлардан, оддий фуқаролардан келаётган юзлаб самимий қутловлар, табрик мактублари фикримизнинг ёрқин далилидир.

"Гарчи биз Қирғизистонда яшасак-да, Ўзбекистондаги амалга оширилаётган ҳар бир ўзгаришни диққат-эътибор билан кузатиб борамиз, сизлар эришаётган ютуқлардан астойдил қувонамиз, — дейилади Жалолобод вилоятининг Олабуқа туманидаги Сафед Булон қишлоғида истиқомат қилувчи ўн минг кишилик аҳоли номидан келган табрик мактубида. — Мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқлари мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришди, бунда, аввало, мамлакат раҳбари Ислом Каримовнинг хизматлари беқиёсдир.

Биз Ислом Каримовни жаҳон миқёсидаги машҳур сиёсатчи, атоқли давлат арбоби, шу билан бирга, халқим, Ватаним деб ёниб яшаётган бағри кенг, фидокор Президент, етук иқтисодчи олим, минтақадаги тинчлик ва барқарорликнинг ҳимоячиси сифатида чексиз ҳурмат қиламиз.

Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўли – "Ўзбек модели" мустақиллик йилларида Ўзбекистон халқлари қўлга киритган улкан ютуқларнинг кафолоти бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, Президент Ислом Каримовнинг ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб вояга етиши йўлида қилаётган амалий ишлари, 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши таҳсинга сазовордир. Узоқни кўзлаб қилинаётган бу эзгу ишлар Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканлигига нафақат биз — қардош халқларнинг, балки бошқаларнинг ҳам кўнглида қатъий ишонч ва ҳавас уйғотмоқда.

Муҳтарам Ислом Каримовни Ўзбекистон халқи Республика Президентлигига ҳамжиҳатлик билан қайта сайлаганлиги ҳам қардошларимизнинг ишончу эҳтиромини ўзида намоён этади. Биз шу муносабат билан Ислом Каримовни чин дилдан муборакбод этамиз, шу билан бирга у кишига Аллоҳдан узоқ умр, мустаҳкам соғлик тилаб қоламиз", дейилади мактубда.

Шу йилнинг 23 феврал куни қардош Қирғизистоннинг Сафед Булон қишлоғи аҳолисига Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номидан бир неча тонна ун, гуруч, шакар ва бошқа кўпгина озиқ-овқат маҳсулотлари ёрдам тариқасида топширилди.

(ЎзА).

Журналист суриштируви

МАЖБУРИЙ «ТАЪТИЛ»

Жиззах шаҳридаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатида икки ойдан бери ўқиш тўхтатилган. Нега?

ТАФСИЛОТ

Тасаввурингиз ойдинлашиши учун қуйидаги маълумотларга эътибор қилинг. Жиззах вилояти тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Badiий академиясини ташкил этиш ҳақида»ги 1997 йил 23 январдаги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Badiий академияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 1997 йил 11 март қарорига асосан вилоят ҳокимининг 1998 йил 22 июл қарори билан ташкил этилган. Дастлаб лицейга ўн йилдан буён ташлаб қўйилган, мутлоқ авария ҳолатидаги «Шаббода» болалар боғчасининг биноси ажратилган. 1999 йилнинг август ойида шаҳар ҳокимининг қарори билан лицей Жиззах шаҳри Иттифоқ маҳалласида жойлашган, шаҳар санитария ва эпидемиология маркази томонидан ёпиб қўйилган «Ташаббус» болалар боғчаси биносига кўчирилди.

Шу кунга қадар лицей фаолиятини яхши йўлга қўйиш учун зарур маблағлар вилоят молия бошқармаси томонидан ажратилмай келинаётгани боис, 100 нафар иқтидорли ўқувчи аянчли аҳволда таҳсил олиб келмоқда эди.

Ўтган давр мобайнида шаҳар санитария ва эпидемиология маркази, Ўзбекистон Badiий академияси, лицей маъмурияти вилоят ҳокимлиги ва вилоят молия бошқармасини мавжуд аҳвол тўғрисида ёзма равишда огоҳлантириб келган. Ва ниҳоят шаҳар СЭСининг қарори билан лицей фаолияти тўхтатиб қўйилган.

СЭС қароридан кўчирма: «Лицей-интернат биносидаги техник ҳолат қониқарсизлиги, синфлар, ётоқхоналарни иситиш тизимининг йўқлиги, канализациянинг ишламаслиги, овқатланиш рациони (бир болага бир кунда 130 сўм) андозадаги меъёрдан (254 сўм) анча пастлиги туфайли 1999 йилнинг 25 декабридан эътиборан ўқувчиларнинг билим олишлари, яшашлари учун етарли шароитлар яратилмагунча лицей-интернат фаолияти тўхтатиб қўйилсин».

МАЙНА ҚАЕРДАН КИРДИ?

Жиззахга кун пешинга оққан пайтда етиб келдик. Тўғри лицей-интернатга бордик. «Ранг кўр, ҳол сўр» деган мақол баайни шу даргоҳ учун айтилгандек эди. Ранг-қути ўчиб, мунғайибгина турган бинонинг омонатлигини кўриб, қор-ёмғирларга инсоф берсин, деган ўй кўнгилдан кечди. Шу ўйлову хаёллар билан ичкари йўналдик. Хоналарга бош суқар экансиз, биринчи галда «гуп» этиб зах ҳиди димоғингизга урилади. Деворлар, шиплар чакка ўтаверганидан олачалпоқ тус касб этган. Сув қўллайверганидан пол тахталари чириб, қўпорилиб кетган. Иттифоқо, бир хонага кирсак, майна деразанинг у рахидан бу рахига учиб-қўниб, ўйноқлаб юрибди. Барча эшик-деразалар берк бўлгани ҳолда, бу қуш хонага қаердан кириб қолибди, деган муаммо пайдо бўлди. Узоқ муҳокамалардан сўнг, «қуш чакка ўтавериб, ўпирилиб тушган шиппнинг тешигидан кириб олган» деган якдил хулосага келинди. «Ювиниш хонаси»нинг номигина бор. Аслида эса занглаб ётган сув қувурларию синиқ раковиналарнинг эшиксиз омбори, холос.

Минг эшитгандан кўра бир кўрган афзал. Сувратчимиз Нўъмонжон Муҳаммаджонов мавжуд аҳволнинг баъзиларини тасвирга муҳрлаб қайтди. Улардан бирини кўриб турибсиз.

ИККИ ЙИЛЛИК ҲАНГОМАЛАР

Лицей-интернат директори Солижон Сулаймоновнинг фиғони фалакка ўрлаган. Унинг дардига сиз ҳам бир қулоқ тутиб кўринг:

— Вилоят ҳокимининг бу ўқув масканини ташкил этиш тўғрисидаги қарори 1998 йил июл ойида чиққан эди. Биз унга асосан вилоят туман ва шаҳарларидан 50 нафар иқтидорли болани танлов асосида қабул қилдик. 2 сентябрда ўқиш бошланиши керак эди. Бироқ бизга авария ҳолатидаги бўм-бўш бинодан бошқа ҳеч нарса ажратилмади. На маблағ, на ўқув жиҳозлари. Лоақал битта стулимиз ҳам йўқ эди. Хуллас, ўқишни бошлашнинг иложи бўлмади. Шундан кейин вилоят ҳокимлигидан, вилоят молия бошқармасидан, шаҳар ҳокимлигидан вакиллар чақирилди. Улар ота-оналарга бир ҳафта ичида барча шароитларни муҳайё қилишга ваъда беришди. Бироқ бир ҳафта эмас, бир ойдан ошиқ вақт ўтди. Ваъдалар ваъдалигича қолгани барчанинг ҳафсаласини пир қилди.

Бутун ўқувчилар, ота-оналар йиғилиб, вилоят ҳокимлигига боришди. Бироқ на ҳокимликдан, на молия бошқармасидан биророта инсон «булар ким, нега бу ерда тўпланиб туришибди, дарди нима?» деб тил учида ҳам сўраб кўришмади. Ноилож улар яна қайтиб кетишди. Ниҳоят, ҳокимият бироз пул ажратди. Унга фақат биргина синфни жиҳозлаш мумкин эди. Охири бўлмади. Республика Badiий академиясига бориб, унга қарашли бўлган ўқув муассасаларидан илтимос қилиб, стол, стул, парталарни олиб келдик. Зоминдаги бир лагердан ташлаб юборилган, бузуқ каравотларни келтириб, таъмирлаб, ётоқхонани жиҳозладик. Кўрпа-тўшак, чойшаблар, идиш-товоқларни ўқувчилар, шубҳасиз, уйларидан олиб келишди. Айтсам ишонишмас, ўқувчилар тўнгакларда, яшикларда ўтириб, дарс тинглашди. Ана-мана дегунча қиш келди. Иситиш тизимлари умуман ишламайди. Иссиқ-совуқ сув йўқ. Хоналарга печка ўрнатдик. Муаммоларни ҳал қилиб бериш учун вилоят ҳокимиятига борсак, молия бошқармасига юборади. Молия бошқармаси «эрта кел, индин кел» деб сарсон қилади. Шу тахлит 1998 йилни ўтказдик.

1999 йилда йиллик сметамиз тўққиз миллион сўм қилиб тасдиқланди. Бу орада бизга бошқа бинони тақдим этишди. Бу бино авария ҳолатида бўлганлиги учун шаҳар СЭСи томонидан ёпиб қўйилган эди. Шу ёққа кўчиб ўтдик. Бу ерда яна 50 нафар ўқувчи қабул қилдик. Кейин молия бошқармасига борсак, бошқарма бошлиғи Неъмат Маҳмудов «нега бизнинг рухсатимизсиз ўқувчи қабул қилдингиз. Сиз биринчи қабул қилган ўқувчиларингизни битиртириб, кейин қабул қилишингиз керак» дейди. Бу гапга кулишингни ҳам билмайсан, йиғлашингни ҳам. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтмоқчи эдим. Вилоят молия бошқармаси бошлиғининг ҳузурига кириш улкан темир деворни тешиб ўтиш билан баробар. Кирганингиз тақдирда ҳам сансалорликдан нарига ўтилмайди. «Бу ерда Жиззахнинг юз нафар иқтидорли фарзандининг тақдири ётибди» деган фикр кўнглининг бир четини ақалли жиз эттирмайди. Баркамол авлод орзуси билан яшаётган бир давримизда, Президентимиз, «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт», деб турган бир пайтларида бундай эътиборсизлик кишини ажаблантиради, холос.

АФАНДИНИНГ ИШИ

Бир куни Афандидан сўрашибди:

— Нега бу чакмонингизни ташлаб кўя қолмайсиз? Мингямоқ бўлиб кетган-ку!

Афанди жавоб берибди:

— Мингямоқ бўлса ҳам, чакмон деган номи бор.

Вилоят ҳокимлигидагилар Афандининг бу фалсафасини обдон ўзлаштиришган, шекилли. Президентнинг Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг қарори бажарилдими, бажарилди. Тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати очилдими, очилди. Юқорига «очганмиз, фаолият кўрсатяпти» мазмунида ёзилган ҳисоботлар ёзилди. Ҳозир қандай фаолият кўрсатаётганлигини ким сўраб ўтирибди. Эй, барака топкур, бу лицей бўлса, унда ўқиш бўм-бўш хонага бўйрани тўшаб, мук тушиб алҳамдуни тушириш эмас. Мамлакатимизда «Таълим тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» яратилди. Назаримизда, вилоят раҳбарлари бу гапларни яхши тушунишмаган кўринади.

Мана, қўлимда 1999 йилда ижтимоий соҳа объектлари учун биринчи галда ажратилиши лозим бўлган маблағларни молиялаштириш жадвали турибди. Рўйхатга тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ҳам киритилган. Унга кўра лицей-интернатни капитал таъмирлаш учун 1 миллион сўм, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар харид қилиш учун 850 минг сўм ажратилиши кўзда тутилган. Амалда эса йил охирига бориб 750 минг сўм ажратилган, холос. Бир миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилмай қолиб кетган.

Яна бир ҳужжат. Вилоят ҳокимининг фармойиши. Лицей-интернатга уч миллион сўм маблағ ажратиш тўғрисида. Фармойишга 9 февралда имзо чекилган. Бироқ ҳанузгача молия бошқармаси томонидан пул ўтказилмаган. С.Сулаймоновнинг айтишича, шундан сўнг бир оёғи ҳокимиятда бўлса, бир оёғи молия бошқармасида бўлиб қолган. Ҳокимиятдагилар «фармойиш чиққан, бориб молия бошқармасида ҳал қил» дейди. Молия бошқармаси бошлиғи Н.Маҳмудов эса «эрта бўлади, индин бўлади»дан чарчамайди. Ўртада иқтидорли болалар жабр тортяпти. Қаранг, бутун бошли лицей ёпиб қўйилса-да, бюрократ раҳбарларнинг айрони ачимаса.

Дарвоқе, уч миллион сўмлик маблағ фақат лицей-интернат томини ёпиш учун мўлжалланган. Унинг хоналарини эпақага келтириш учун бундан бир неча баровар кўп маблағ талаб қилинади. Албатта, ҳар бир вилоят ўзининг иқтисодий аҳволидан келиб чиқиб, кўрпасига қараб оёқ узатади. Бироқ ўтган йиллар ичида жуда катта қурилиш ишлари қилинган. Ишончли манбадан олган маълумотимизга қараганда, Жиззах шаҳридаги болалар боғи учун 300 миллион сўм сарфланган...

ЗЪТИБОР ВА ЗЪТИРОЗ

Президентимиз ташаббуси билан бу йил «Соғлом авлод йили» деб эълон қилинди. «Соғлом авлод» дастури қабул қилинди. Ҳукуматимиз сиёсати худди шу нарсага йўналтирилган бир пайтда, тасвирий ва амалий санъат лицей-интернатдаги бу аҳволни қандай баҳолаш мумкин? Икки йил қишни ўқувчилар иситилмайдиган синфларда, ётоқхоналарда ўтказганлари чидаб бўлмас ҳол-ку! Оқибатда 12 нафар ўқувчи турли касалликларга чалиниб, ўқув даргоҳини тарк этишга мажбур бўлган. Ўзини Назира Ҳидоятова деб таништирган опахоннинг айтишларича, қизининг бўйраги қаттиқ шамоллаган. Ҳалиям асорати кетмаган.

Ўтган йили бир кунлик овқатланиш меъёри 165 сўмлик бўлган бўлса, бу йил уни молия бошқармаси 130 сўмга тушириб қўйди. Нега бундай бўлди, деган сўровга молия бошқармасидагилар Молия вазирлиги шундай қилиб белгилаб қўйган, қабилида жавоб қилишган. Хуллас, буёғи ҳам «бор отангга, бор онангга».

Лицей-интернат ўқувчиларининг таомномасини ўқисангиз янада қизиқ ҳолатга дуч келасиз.

1. Нонушта: бир бурда нон, чой (шакарсиз).

2. Тушлик: бир-икки бўлак картошка солинган карам шўрва (гўштсиз).

3. Кечки овқат: бир-икки бўлак картошка солинган макарон шўрва (гўштсиз).

Ҳар куни шу гап. Энди ғалати бир манзарани қаранг. Лицей-интернатдаги шундай қийин шароитларда ҳам ота-оналар фарзандларини олиб кетишмаган. Демак, улар фарзандларининг иқтидори айнан шу ўқув масканида камол топишига ишонишган. Эндиги гап бу ишончнинг вилоят раҳбарларининг онгига ҳам етиб боришида.

Мен Азамат, Ирода, Гулнора исмли лицей-интернатнинг ўқувчилари билан суҳбатлашдим. Пировардида уларнинг кўзлари жовдираб айтган илтижоларини келтирмоқчи эдим:

— Биз тезроқ дарслар бошланишини, ўзимизнинг асарларимиз билан Ўзбекистоннинг номини бутун дунёга танитишни хоҳлаймиз. Жон амакижонлар, «қишки таътил»имизни тугатишга ёрдам берингларр...

Бу сўзларни эшитишга бизда бардош етишмади. Сизларда-чи, жиззахлик катталар?

Асқар ШОКИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Яша ва ёдингда тут

пайтда бутун мажмуа бўйлаб ҳазин мусиқа ҳам таралиб туриши керак.

Ёдгорлик қандай бўлади? Бу ҳақда Ислом Абдуғаниевич бизга шундай маслаҳат бердилар: узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ, миллий боғдаги Алишер Навоий ҳайкали узра турган мовий гумбазли ҳавоза, у аллақачон халқнинг кўнглига сингган. Ёдгорликни бунёд этишда ана шу гумбазли ҳавоза шаклидан фойдаланиш лозим. Шунингдек, миллий асос — Имом ал-Бухорий ҳазратларига Челак туманида барпо қилинган мақбара сағанасига Эрондан қимматли нефрит тошини олиб келиб ўрнатганимиз ёдингизда бўлса керак. Бу ноёб тош ҳамиша товланиб, ўзидан нур таратиб туради. Шу билан бирга оч яшил рангда, худди ўтганларнинг, хусусан, шаҳидларнинг руҳини эзозлаш учун махсус яратилгандек таассурот беради.

Бизнинг ота-боболаримиз ҳам ўтганларнинг мангулик маконига азал-азалдан ёдгорлик тоши қўйиб келишган. Шундан келиб чиқиб, деди Президент, юқоридаги икки хусусиятни уйғунлаштирсак, ҳавозалар ва ёдгорлик тошини бир бутун ҳолда ёдгорлик мажмуида мужассам этсак, ўйлайманки, халқимизнинг кўнглидагидек иш бўлади.

Президентимиз хиёбонга кириб бориладиган жойда сув ҳавзаси яратишни таъкидлар экан, у қандай кўриниш касб этишини ҳам ифодалаб берган эдилар. Бўзсувнинг ички қирғоғини эса қайроқтошлар билан қоплаб чиқишни маслаҳат бердилар. Биз мана шу ғояни юзага чиқариш учун астойдил ҳаракат қиляпмиз.

Муҳтасар қилиб айтганда, бу зиёратгоҳ шарқона, миллий табиатимизга мос, сокин ва мўътабар маскан бўлади.

Ҳозир эса бу ерда ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Чунки ҳар бир лаҳза ғаниматдир. Кўз юмиб-очгунча нимадир ўзгаради. "Паркентсувқурилиш" трестига қарашли механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари эса ҳатто қуёш ботгандан кейин ҳам тиним билмайди...

2. Озодликнинг сермашаққат йўли

— Шундоқ кўз ўнгимизда тарихий бир ёдгорлик қад ростлаяпти, — дейди "Шаҳарйўлқурилиштаъмир" трестига қарашли биринчи ирригация-қурилиш бошқармаси ишчиси Гулнора Измайлова. — Президентимиз ҳаммамиз учун қимматли бўлган инсон хотирасини, тарихий адолатни тиклаб, эзгу иш қилмоқда. Қаранг, мана шу жой яқиндагина ташландиқ ва хароб аҳволда эди, бугун бошқача кўриниш касб этмоқда. Ҳадемай, бу жой шаҳримизнинг энг файзли, энг муқаддас гўшаларидан бирига айланади.

"Шаҳидлар хотираси". Беихтиёр Президент Ислом Каримов бундан бир неча йил илгари истиқлолнинг тарихий аҳамияти ҳақида қуюниб айтган фикрлар киши ёдига тушади:

— Озодлик деганда, биз, аввало, неча-неча аждодларимиз шунга интилиб яшаганлигини, озодлик ҳисси асрлар мобайнида улар ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгилаб келганлигини унутмаслигимиз лозим. Жалолиддин Мангуберди каби баҳодирларни шундай юксакликка кўтарган ҳам унинг Ватан озодлиги учун фидойилиги, Чингизхонга қарши ўн йиллар мобайнида мардона курашганлигидир.

Юртимиз неча бор таланган, босқинчилар неча бор Самарқанду Бухоро каби қадим шаҳарларимизни ёқиб юборган. Неча бор бу миллат қирғин қилинган, лекин бари бир, озодлик деб яна кўтарилган. Миллатнинг фидойи ўғлонлари озодлик деб ҳаётнинг юзини кўрмай ўтиб кетган.

Фарзандларимизга, аждодлардан мерос бу Ватан мана шундай оғир йўлларни босиб ўтиб озодликка чиққан,-деб уқтиришимиз, истиқлолимиз учун жонидан кечган миллий қаҳрамонларимизни эзозлашимиз керакми-йўқми?..

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этилаётган жойларни айланиб юриб, мана шу тарихий ҳақиқат, шу билан бирга, ўлимимиз ҳам авлодларга ибрат бўлсин деб Ватан озодлиги йўлида шаҳид кетган матонатли аждодлар бир-бир хаёлдан ўтади.

Озодлик озмунча қурбон талаб этмади. Ва улар ўз эътиқодидан қайтмаганлиги, шу йўлда жон фидо қилганлиги учун ҳам шаҳидлардир.

3. "Сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдур"

Кўтарилган алангалар, юракдаги ғалаён ва ғазаблар ҳитобга айланган, *"Юртим!* — деган улар, — *сенинг учун ўлмоқ — менинг тириклигимдур!"*

Мана шундай долғали, қалтис вазиятда соҳибқирон Амир Темур набираларининг бўйнига қуллик занжирини илиш учун ғанимлар кўп макр-найранг, зулм ва зўравонлик ишлатган.

Шўро тузумининг дастлабки йилларидан бошлаб ҳурликка интилиш, истиқлол йўлидаги ҳар қандай уринишлар шафқатсиз равишда бостириб келинди. Ватан иззати, шарафини ҳимоя қилишга интилган миллатпарварлар ёппасига қириб ташланди. Беомон қатағон йилларида миллатнинг озодликка талпиниши, фикрий ўсуви, ғурури янчиб, топталди.

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик ҳайъати раиси Наим Каримовнинг айтишича, ўша даврда Ўзбекистонда ўнлаб қатлгоҳлар бўлган, мажмуага туташ манзилларда эса ГПУ-НКВДга қарашли учта махфий қатлгоҳ бўлиб, унда суд ҳукмича, ҳатто ҳукм чиқарилмасдан, ўн минглаб миллат фидойилари "халқ душмани", "аксилинқилобий шайка", "малъун хоинлар" деган уйдирма айблар билан отиб ташланган.

Қатағоннинг биринчи қурбонларидан бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий ўлими муносабати билан ёзилган "Беҳбудийнинг сағанасини изладим" марсиясида Фитрат шундай фарёд қилади:

Золимнинг тахтини титратган бир товуш қичқирди:

— Отамнинг қабрини қаерга яширдинг?

Чиндан ҳам, бу ўкинчли нидо чуқур маънога эга. Ҳали-ҳануз шаҳид кетган кўпдан-кўп миллатпарварларнинг хоки туроби қаерда эканлиги номаълум. Шу маънода "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ҳаётий асослар билан бирга теран рамзий ифода ҳам касб этади.

Миллий озодлик ҳаракати ҳақида гап кетганда, улар юрт озодлиги учун ҳаётларини тиккан, деймиз. Улар миллат юрагидаги ҳеч битмайдиган жароҳатлардир. Ўша йилларда эса улар газеталарда аёвсиз қораланди, "мудҳиш қора гавдалар", "заҳарли илонлар", "ажнабий давлат жосуслари", "халқнинг ашаддий душманлари" деб шаънига лаънатлар ўқилди.

Айбланувчиларга эса энг олий жазо — ўлим тиланган.

1949-51- йилларда яна қанчадан-қанча диёнатли кишиларни ямлаб-ютмади бу "жаҳаннам". Зеро, ўз вақтида суд жараёнларида қораловчи бўлган Н. Криленко, *биз ўтмишни эмас, келажакни ҳукм этмоқдамиз,* деб бежиз айтмаган. Ва бу хусумат қўрқинч туш каби даҳшатли кечган. Ўша йилларда битилган аламли хотираларда шундай сатрларни учратиш мумкин: *"Баъзиларнинг қўллари орқасига боғланган, баъзиларнинг юзлари ёрилган, қонлар томчилаган эди. Юзларда, чехраларда мотам, қон аралаш йиғлар эди..."*

Кундалик тушунчалардан беқиёс даражада устун турувчи Озодлик, Ватан деган мўътабар туйғулар, исёнкор руҳ, фош этувчи кайфият ҳаётдан батамом супуриб ташланиши учун миллатнинг энг сара фарзандлари қатл этилди. Уларнинг қони қизғалдоқдай сачраган заминдан эса алал-оқибат озодлик чечаклари униб чиқди.

Истиқлолга қадар улар "халқ душмани" дея қайта-қайта уқтириб келинган. Чунки истилочилар ҳурриятга ташналикни батамом йўқ қилиш мумкин эмаслигини яхши билишган. Шу маънода шаҳидларнинг ишлари, эътиқод йўлидаги фидойиликлари, ҳурриятга ундовчи асарлари кечмиш тузум учун жуда хатарли бўлган. У мазлум халқнинг кўзини очиб юбориши мумкин эди. Шу боис уларнинг асарлари тақиқланди, номларини тилга олиш маън этилди. Лекин ҳаёт ҳамиша бир ҳақиқатни қайта-қайта эслатиб келади: халқ яшар экан, чинакам фидойи ўғлонларини ҳам ўз хотирасида абадий сақлайди.

Озодлик йўлида фидо бўлганлар қисмати ҳақида сўз кетганда, шундан келиб чиққан иккинчи бир аянчли фожеага тўхталмаса, адолатдан бўлмас. Уларнинг ортида қон қақшаб қолган оилалари, фарзандлари, қариндош-уруғлари ҳам давр тўфонининг беадад хўрлик ва ситамларига гирифтор бўлишган, кун кўришмаган. *"Ўша воқеалар содир бўлганида мен тўққиз-ўн яшар эдим,* — деб эслайди Фитратнинг қизи Севара Кароматиллахўжаева. — *Лекин болалигимга қарамай, бу фожеалар аламини тўлиқ чекдим. Ўша пайтларданоқ менга "ЧСВН" деган тавқилаънат ёпишди. Бу — "халқ душманининг оила аъзоси" деган маънони билдирар, бундай тамға олган одам ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум этилар, ҳар қадамда хўрланар, оёқости қилинар эди. Бундай одамни ҳамма сўкар ва ҳақорат этарди".*

Ўша даврнинг аламли хотиралари билан яқиндан танишганда, одам боласининг бунчалик қаҳри қаттиқлигига, бир-бирига нисбатан бу қадар золимлик қилиши мумкинлигига ишонгингиз келмайди. Аммо бу — аччиқ ҳақиқат, улар ҳаётнинг шундай кир, қора кўрғуликларини, беаёв зарбаларини, таъна - маломатларини кўрган, ўз бошидан кечирган. Шундан келиб чиққанда, Президентимизнинг бу хайрли иши — "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи қанчадан-қанча кўнгилларга ёруғлик бағишлашини тасаввур этиш қийин эмас. Шу билан бирга у туйғуларни она юртга боғловчи ришта, озод Ватаннинг, она халқимизнинг бугунги ёруғ кунларга етиб келмаган, шу йўлда фидо бўлган собит ва оловқалб фарзандлари хотирасига иззат-икроми, ихлос-эҳтироми тимсоли ҳамдир.

4. Халқнинг дуоси

— Болалигим мана шу ерда ўтган, — деб эслайди мажмуага туташ Ғиёс Умаров номли маҳаллада яшовчи оқсоқол Абдужаббор ота Илёсов. — Тепада Алвастиқўприк, сал берида эса қўрқинчли жарликлар бўлар эди. 1937-38- йилларда ғадойтопмас шу жойлардан кечалари даҳшатли ўқ овозлари эшитилиб турарди. Шунда ҳамма ёқни ваҳима босарди. Юрагимиз музлаб, "Ҳукуматнинг ғазабига учрасанг, шу - Тоштурмадан олиб келиб, яширинча отиб ташлайди," деб ўйлардик. Бу қатлу қирғинлар озмунча давом этганми? Қанча одамларнинг ёстиғини қуритган. Ҳамма ёқни остин-устун қилиб ташлаган. Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин ўша йиллар ваҳми шунчалик эканки, яқин-яқингача бу ҳақда биров чурқ этиб оғиз очмаган. Ўтган йили ёзда Президентимиз ўзлари келиб, мусибат уяси бўлган мана шу жойларни кўрдилар, ҳов у тепаликда туриб, "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи қандай бўлишини, қаерда хиёбон, қаерда кўприк, қаерда ёдгорлик барпо этилишини бир-бир кўрсатиб бердилар. Шу кишининг шарофати билан ўша нотинч йилларда, қўрқинчли кечаларда жуда мўътабар, миллатпарвар инсонлар адолатсизлик туфайли нобуд қилинганлигини тушуниб етдик, уларнинг хоки туроби ётган жойларга бошқа бир кўз билан қарайдиган, авайлаб қадам қўядиган бўлдик. Қурилишга қўл уришдан аввал шаҳидлар ҳаққига қурбонлик қилдик. Билсангиз, Бўзсувнинг бўйида эски чойхона бўларди, аввал у олинди. Қарийб йигирма хўжаликка янги уй-жой берилди. Мана, энди қарғиш теккандек бўлиб ётган жойлар шаҳидларнинг хотираси ҳурмати — азиз бўлмоқда.

Шаҳидларни эслашнинг ўзи хайрли, уларнинг хоки туробини зиёратгоҳга айлантириш эса тенгсиз савобдир. Тошкентдаги беқиёс ўзгаришлару мана шу қутли ишларга бош - қош бўлаётган Президентимизнинг ҳаққига ҳар қанча дуо қилсак, кам.

— Ўша — мусибатли йилларда кафансиз, жанозасиз, қора ерга кўмиб ташланган, шаъни поймол этилган ситамдийдаларга Яратганнинг иноятидир бу, — дейди саксон яшар Абдураҳмон ота Юсупов. — Муборак ҳадисларда *"Ҳифзул ватан минал ийман" — "Ватанни ҳимоя қилмоқ иймондандир"* дейилган. Қаранг, шунча йил ўтиб, иймон - эътиқод яна қадр топди. Бу қурилиш таърифини эшитиб, бориб ўз кўзим билан бир кўрай, деб атай Тўйтепадан келдим. Менинг ҳам бир ўғлим кечаю кундуз шу ерда, зиёратгоҳ қурилишига қўли тегаяпти, шундан хурсандман.

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик ҳайъати аъзоси, ўттизинчи йилларда шаҳид кетган журналист Саид Аҳрорийнинг қизи — адиба Холида Аҳророва шундай дейди:

— Қатағон қурбонлари қисматини ўргана бошлаганимдан буён шундай бир иш бўлишини орзу қилардим, лекин кўзим тиригида буни кўрарман деб зинҳор умид қилмаган эдим. Чунки икки орада бир неча авлод ўтиб кетди. Отилганлар керагидан ортиқ даражада бадном этилди ва бу авлодлар шуурига ҳам сингдирилди. Шунинг оқибатида кўкармай ўтиб кетганлар қанча? Энди мана шу тушунчаларни ўзгартириш, тарихий адолатни тиклаш қанча куч, қанча заҳмат, қанча меҳру оқибат талаб қилишини мен яхши биламан. Аллоҳга шукрки, шундай ҳиммат Президентимизнинг юрагида ловуллаб турибди. Бу ишлар унинг Ватанга, миллатга, ҳар бир инсонга чексиз меҳру муҳаббати туфайли эмасми? Қаранг, қанча қурбонларнинг шаҳншарафи тикланмоқда, қанча нотинч руҳлар таскин топмоқда, қанча ярим кўнгиллар бутун бўлмоқда!..

Кўрдимки, энг ноёб неъмат ростгўйлик ва қаҳрамонликдир, деган эди шаҳидлар шоҳи Шайх Нажмиддин Кубро. Ва бу қаҳрамонликни эзозлаш ҳам янада ноёб неъматдир. Бугун Президентимизнинг ташаббуси билан бу борада қилинаётган эзгу ишлар миллатнинг қадду бастини, руҳини янада баланд кўтаргай, иншоолоҳ!

Яқин ўтмишдаги беомон қулфатлар ва унинг қурбони бўлганлар ёди шунга ундайдики, токи инсон атрофига доимо очиқ кўз билан қарасин, англаб, тушуниб яшасин! Бундай қабоҳатлар қайтиб ҳеч кимнинг бошига тушмаслиги учун ҳамиша сергак, курашчан бўлсин! Дориломон қунларнинг, Ватаннинг қадрига етсин!

Билсинки, бу ишлар, бу ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлиб қолган эмас, уларнинг замирида олам-олам меҳнат-машаққат, ташаббус ва изланиш, жасорат ва саховат мужассам.

"Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи қурилишидаги олижаноб ишларни кузатиб туриб, шулар ҳақида ўйлайсиз ва амин бўласизки, юрт озодлиги, ҳуррият истаги абадийдир. Унинг руҳи миллат қонида мангу яшайди. Ва эрта бир кун бу зиёратгоҳга келганлар ёдгорлик пойига гул қўяди, сўнг бош эгиб, сувдай оқиб ўтаётган умр ва унинг маъноси, Ватан ва унинг озодлиги, бу қадриятларнинг мазмун-моҳияти ҳақида вазмин ўйга толадилар...

Ғаффор ХОТАМОВ.

Шаҳидлар номини абадийлаштириш борасида қилинган хайрли ишлар:

**1991 йилнинг 6 февралида адабиёт ва санъат соҳасида Абдулла Қодирий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти таъсис этилди.*

**1991 йилнинг 25 сентябрида Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Абдурауф Фитратга ўлимидан кейин Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Республикаси Давлат мукофоти берилди.*

**1994 йили озодлик йўлида жонини фидо этган улуғ ёзувчи Абдулла Қодирий (раҳматли)га мамлакатда биринчи бўлиб Ватаннинг юксак мукофоти — "Мустақиллик" ордени берилди.*

**1994 йилнинг 6 декабрида Абдулла Қодирий таваллудининг 100 йиллиги нишонланди. Тошкентда ёзувчи номини олган маданият ва истироҳат боғида унинг ҳайкали очилди.*

**Фашизмга қарши урушда ҳалок бўлган, шунингдек, бедарак кетган юз минглаб ўзбекистонлик жангчилар хотирасини абадийлаштириш мақсадида 1994-95 йилларда кўп жилддан иборат "Хотира китоби" нашр этилди.*

**1996 йил 19 июнда Бухорода Файзулла Хўжаев ҳайкали очилди.*

**1996 йил 20 декабрда Абдурауф Фитрат таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан Тошкентда тантанали йиғилиш ва илмий анжуман бўлиб ўтди.*

**1999 йил 9 майда Тошкент шаҳрининг марказида муаззам Хотира майдони очилди. Урушда қурбон бўлган юз минглаб юртдошларимиз номи майдондаги муҳташам Хотира китобига зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилди.*

Пойига "Сен доимо қалбимдасан, жигарим!" деган сўзлар битилган Мотамсаро она ҳайкали очилди.

**1999 йили улуғ шоир Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон (раҳматли)га Ватаннинг юксак мукофоти — "Мустақиллик" ордени берилди. Озодлик йўлида жонини фидо қилган миллатпарвар шоирга Андижонда ҳайкал ўрнатилди.*

**1999 йилнинг 22 июлида "Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида"ги Вазирлар Маҳкамаси қарори эълон қилинди ва унда Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари хотира мажмуасини барпо этиш, шунингдек, "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармаси тузиш, қатағон этилган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, кўп жилдлик "Қатағон қурбонлари" хотира китобини яратиш, шаҳид кетганларнинг ҳаёт йўли, илмий-ижодий меросини кенг жамоатчиликка етказиш каби қатор хайрли вазифалар белгилаб берилди. Шундан келиб чиқиб, бултур октябр ойида пойтахтнинг Бўзсув мавзесида "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этишга киришилди.*

**2000 йилнинг 28 январида Президент Фармонига кўра, Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетига Ўзбекистон Миллий университети мақоми берилди, тарихий ҳужжатлар асосида унинг асосчилари — жадид зиёлилари, ташкил этилган санаси — 1918 йилнинг 12 майи, деб белгиланди.*

"ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ"

Мамлакатимиз пойтахтида барпо этилаётган ёдгорлик мажмуи олдидаги ўйлар

1. "Умр ўткинчи, аммо инсон хотираси абадий"

Бугун пойтахтдаги осмонўпар телеминора олдига бориб, кунчиқиш тарафга назар солсангиз, Бўзсувнинг икки соҳилида — беадад ҳудудда иш қайнаётганининг гувоҳи бўласиз. Бир ёнда — текисланган соҳилга плиталар ётқизилмоқда, бир ёнда — йўлак ва унинг атрофига ямяшил арчалар ўтказилаётир. Бир ёнда — Бўзсувнинг икки қирғоғини туташтирувчи маҳобатли кўприк қурилиши жадал суръатга кирган. Поезд йўли устидан ўтувчи ва аҳоли яшайдиган даҳа билан мажмуани боғлаб турувчи иккинчи кўприк қурилишига эса жой танланмоқда...

Бу жой билан боғлиқ кечмишни кўпчилик яхши билмайди, шунинг учун ҳам, шиддат билан олиб борилаётган қурилишга ажабланиб қарайди. Очиғини айтганда, ёвуз шўро империясининг беадад қатлу қирғинлари ҳақида нималар биламиз ўзи? Қамоқхоналар бош бошқармаси бўлгани, миллион-миллион кишиларни кишанбанд этгани, уларнинг аксарияти қириб ташлангани ва бу даҳшатли қонхўрлик "халқлар отаси" томонидан содир этилгани ҳақидаги умумий тушунчадан ташқари яна қандай маълумотларга эгамиз?

Кечага қадар бу ҳақда оғиз очиш мумкинмиди ўзи?

Ички низо ва урушлар, миллий озодлик ҳаракатлари тинкасини қуритган империя ўзини сақлаб қолиш учун талвасага тушиб хуруж қилганида миллион-миллион адолатталаб, ҳурриятга интилган инсонлар унинг қурбони бўлишди. "Вақт ўтади, — деган эди ўша йилларда собиқ иттифоқнинг бош прокурори. — Малъун хоинларнинг мозорлари устидан супурги ўтлар, қушқўнмаслар униб чиқади".

Шундай қилинди ҳам.

Империя ўзининг душманлари учун гадойтопмас жойларни қатлгоҳ сифатида танлади, халқни ғафлатда қолдириб, унинг салоҳиятли фарзандларини кечалари қатл этди, сўнг жарликка итқитиб, устига тупроқ тортди. Шундай қатлгоҳларнинг учтаси мана шу ҳудудга ёндош бўлган. Яқин-яқингача улар жамоатчиликдан сир тутилган.

Бугун бу жойларнинг кўриниши кун сайин ўзгариб бормоқда, Юртдошимизнинг ғоя ва ташаббуси билан бу ерда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи барпо этилмоқда. Ёдгорликнинг дастлабки лойиҳасини кўриб чиқиб, унга кўпгина тузатишлар киритар экан, Президент Ислом Каримов шундай деб уқтирган эди: **"Бу ёдгорликни барпо этишдан мақсад — биринчидан, бугунги ёруғ кунлар учун курашиб шаҳид бўлган ота-боболаримиз руҳини шод этиш;**

иккинчидан, адолат бор экан, бир куни у, бари бир, юзага чиқар экан, деган қатъий ишончни одамлар онгига сингдириш;

учинчидан, бу дунё ўткинчи, аммо инсон хотираси абадий эканлигини ҳар бир кишига, айниқса, ўсиб келаётган ёшларимизга англатишдан иборатдир".

Зеро, сизнинг ва бизнинг ҳаётимизда бугун кечаётган ўзгаришлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Бунинг илдизлари жуда чуқур. Шоир айтганидек, балки бир фидойининг хизматлари туфайли бу ҳаёт гаштини суриб юргандирмиз? Мана шу ҳақиқатни идрок этишда тарих ҳамиша ёрдамга келади, сабоқ чиқаришга ундайди. Шунинг учун бўлса керак, улуғ адиб ҳам *"Мозийга қайтиб иш кўрмоқ хайрлик"* деган.

Бугунги кунлар учун жон олиб — жон берган фидойилар олдида биз нималарга бурчлимиз? Истибдодга қарши умр бўйи курашган инсонлар хотираси қошида қарзимиз нималардан иборат?

Қонли қатлгоҳлар ўрнини айланар экансиз, хаёлингизни шу ўйлар банд этади...

Ҳозир чап қанотда, энг баланд жойда — ёдгорлик, қуйида — сайлгоҳлар, хиёбонлар барпо этиш учун текисланган жойлар, айланиб оқаётган сокин Бўзсув, унинг равон соҳиллари, қурилаётган йўл ва йўлаклар киши кўзига бошқача кўринади.

Қарийб 17 гектар ҳудудни ишғол этадиган ёдгорлик мажмуидаги қурилиш бултур октябр ойида бошланган. Ўша пайтлар буёққа йўлингиз тушса, юрагингиз орқага тортиб кетарди. Ҳозирги кунда ўнқир-чўнқирлар, жарлар текисланди, ўрни тартибга келтирилди, бир ярим миллиард сўмлик иш бажарилгач, бу ер қандай файзли зиёратгоҳга айланишини тасаввур этиш қийин эмас.

— Ўтган йилнинг ёзида Президентимиз Юнусободда бунёд этилган янги кўприкни бориб кўргач, қайтаётганларида мана шу жойга келиб тўхтадилар, тушиб, атрофни кўздан кечиргач, мана шу ҳудудда ёдгорлик мажмуи барпо этилишини айтдилар, — дейди Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов. — Ўшанда Президентимиз ёдгорлик мажмуи ўзимизга хос ва ўзимизга мос бўлиб, хиёбонлар ҳам, ёдгорлик ҳам яхлит ҳолда миллий меъморчилик анъаналаридан келиб чиқиб яратилишини, зиёратгоҳнинг шаклу шамойили, мазмун-моҳияти, бутун кўриниши халқнинг кўнглига йўл очиб туриши лозимлигини алоҳида уқтириб, меъморлар олдига ҳам худди шундай талабни қўйган эдилар. Аслида лойиҳа муаллифи Ислом Каримов десак, ҳеч муболаға бўлмайди, чунки у киши мажмуанинг бутун шакли, тузилишини аниқ белгилаб, чизиб бердилар, кейин ҳам тўрт марта қайта-қайта кўриб, тузатишлар киритдилар. Шунга асосланиб, Бўзсувнинг икки соҳили ҳам сайлгоҳ таркибига киритилган, ёдгорлик атрофида эса кўламли боғ яратилади. Биз бошда мажмуа жарнинг катта йўл тарафида бўлади, нариги томондаги иссиқхона, чойхона сақланиб қолади, деб ўйлаган эдик, лекин у киши мажмуа барпо этиладиган ҳудудни аниқ-равшан белгилаб бергач, жарлик, соҳилнинг нариги тарафидаги иссиқхона, чойхона ўрнини обод этишга киришдик, чунки Ислом Каримовнинг ғоясича, зиёратчиларнинг айнан ўша тарафдан, Бўзсувдан ўтиб, ёдгорлик зиёратига келиши мақсадга мувофиқдир. Икки ўртада эса муаззам кўприк барпо этилади. Бу кўприк 14-15 метрча баландликка эга бўлсин ва узоқ-узоқлардан ҳудди парвоз қилаётгандек бўлиб кўриниб турсин, — дея таъкидлаган эди Президент. — Зиёратчилар кўприкдан ўтиб келар экан, бу жойдаги илоҳий бир руҳ оғушига сингиб кетишлари лозим, чунки бу масканда шаҳидлар руҳи ҳамиша кезиб юради. Айни қонга ботирилгач, янада қабоҳатли қирғинлар бошланди. 1929-30- йилларда ҳуррияттталаб Мунаввар қори Абдурашидхон ўғли ва "Миллий истиқлол" ташкилотидаги унинг сафдошлари ҳибсга олинди, қатл этилди. Шунингдек, Боту, Элбек, Ҳожи Муин, Қаюм Рамазон, Саид Аҳрорий, Ашурали Зоҳирий, Убайдулла Хўжаев ва яна қанчадан-қанча юрт ҳимоячиси бўлган миллий сиймолар мислсиз ваҳшийлик қурбони бўлишди.



«Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи шу ерда барпо этилмоқда.

Абдувоҳид Тўраев, Абдул Ғани Жума суратлари.

Қонсираган истибдод 1937-38-йилларда янада кўплаб қурбонлар талаб этди, ҳуррият интилувчи руҳни янчиб ташлаш мақсадида минг-минглаб бегуноҳ кишилар беомон қирғин қилинди. Гарчи айбини тасдиқловчи ашёвий далиллар бўлмасада, улар отиб ташланди, аксарияти устидан расмий суд ҳукми ҳам кейин чиқарилган. Биз бугун Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон, Усмон Носир, Олтой, Сўфизода, Зиё Саид, Ғулом Зафарий, Санжар Содиқ, Комил Алиев, Тавалло каби қатор улкан сўз санъаткорлари, закий ва жасоратли инсонлар иқтидорини, ҳаётини ҳимоя қилишга интилган миллатпарварлар ёппасига қириб ташланди. Беомон қатағон йилларида миллатнинг озодликка талпиниши, фикрий ўсуви, ғурури янчиб, топталди.

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш бўйича жамоатчилик ҳайъати раиси Наим Каримовнинг айтишича, ўша даврда Ўзбекистонда ўнлаб қатлгоҳлар бўлган, мажмуага туташ манзилларда эса ГПУ-НКВДга қарашли учта махфий қатлгоҳ бўлиб, унда суд ҳукмича, ҳатто ҳукм чиқарилмасдан, ўн минглаб миллат фидойилари "халқ душмани", "аксилинқилобий шайка", "малъун хоинлар" деган уйдирма айблар билан отиб ташланган.

Қатағоннинг биринчи қурбонларидан бўлган Маҳмудхўжа Беҳбудий ўлими муносабати билан ёзилган "Беҳбудийнинг сағанасини изладим" марсиясида Фитрат шундай фарёд қилади:

Золимнинг тахтини титратган бир товуш қичқирди:

— Отамнинг қабрини қаерга яширдинг?

Чиндан ҳам, бу ўкинчли нидо чуқур маънога эга. Ҳали-ҳануз шаҳид кетган кўпдан-кўп миллатпарварларнинг хоки туроби қаерда эканлиги номаълум. Шу маънода "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи ҳаётий асослар билан бирга теран рамзий ифода ҳам касб этади.

Миллий озодлик ҳаракати ҳақида гап кетганда, улар юрт озодлиги учун ҳаётларини тиккан, деймиз. Улар миллат юрагидаги ҳеч битмайдиган жароҳатлардир. Ўша йилларда эса улар газеталарда аёвсиз қораланди, "мудҳиш қора гавдалар", "заҳарли илонлар", "ажнабий давлат жосуслари", "халқнинг ашаддий душманлари" деб шаънига лаънатлар ўқилди.

Айбланувчиларга эса энг олий жазо — ўлим тиланган.

1949-51- йилларда яна қанчадан-қанча диёнатли кишиларни ямлаб-ютмади бу "жаҳаннам". Зеро, ўз вақтида суд жараёнларида қораловчи бўлган Н. Криленко, *биз ўтмишни эмас, келажакни ҳукм этмоқдамиз,* деб бежиз айтмаган. Ва бу хусумат қўрқинч туш каби даҳшатли кечган. Ўша йилларда битилган аламли хотираларда шундай сатрларни учратиш мумкин: *"Баъзиларнинг қўллари орқасига боғланган, баъзиларнинг юзлари ёрилган, қонлар томчилаган эди. Юзларда, чехраларда мотам, қон аралаш йиғлар эди..."*

Кундалик тушунчалардан беқиёс даражада устун турувчи Озодлик, Ватан деган мўътабар туйғулар, исёнкор руҳ, фош этувчи кайфият ҳаётдан батамом супуриб ташланиши учун миллатнинг энг сара фарзандлари қатл этилди. Уларнинг қони қизғалдоқдай сачраган заминдан эса алал-оқибат озодлик чечаклари униб чиқди.

Истиқлолга қадар улар "халқ душмани" дея қайта-қайта уқтириб келинган. Чунки истилочилар ҳурриятга ташналикни батамом йўқ қилиш мумкин эмаслигини яхши билишган. Шу маънода шаҳидларнинг ишлари, эътиқод йўлидаги фидойиликлари, ҳурриятга ундовчи асарлари кечмиш тузум учун жуда хатарли бўлган. У мазлум халқнинг кўзини очиб юбориши мумкин эди. Шу боис уларнинг асарлари тақиқланди, номларини тилга олиш маън этилди. Лекин ҳаёт ҳамиша бир ҳақиқатни қайта-қайта эслатиб келади: халқ яшар экан, чинакам фидойи ўғлонларини ҳам ўз хотирасида абадий сақлайди.

Озодлик йўлида фидо бўлганлар қисмати ҳақида сўз кетганда, шундан келиб чиққан иккинчи бир аянчли фожеага тўхталмаса, адолатдан бўлмас. Уларнинг ортида қон қақшаб қолган оилалари, фарзандлари, қариндош-уруғлари ҳам давр тўфонининг беадад хўрлик ва ситамларига гирифтор бўлишган, кун кўришмаган. *"Ўша воқеалар содир бўлганида мен тўққиз-ўн яшар эдим,* — деб эслайди Фитратнинг қизи Севара Кароматиллахўжаева. — *Лекин болалигимга қарамай, бу фожеалар аламини тўлиқ чекдим. Ўша пайтларданоқ менга "ЧСВН" деган тавқилаънат ёпишди. Бу — "халқ душманининг оила аъзоси" деган маънони билдирар, бундай тамға олган одам ҳар қандай ҳуқуқдан маҳрум этилар, ҳар қадамда хўрланар, оёқости қилинар эди. Бундай одамни ҳамма сўкар ва ҳақорат этарди".*

Ўша даврнинг аламли хотиралари билан яқиндан танишганда, одам боласининг бунчалик қаҳри қаттиқлигига, бир-бирига нисбатан бу қадар золимлик қилиши мумкинлигига ишонгингиз келмайди. Аммо бу — аччиқ ҳақиқат, улар ҳаётнинг шундай кир, қора кўрғуликларини, беаёв зарбаларини, таъна - маломатларини кўрган, ўз бошидан кечирган. Шундан келиб чиққанда, Президентимизнинг бу хайрли иши — "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи қанчадан-қанча кўнгилларга ёруғлик бағишлашини тасаввур этиш қийин эмас. Шу билан бирга у туйғуларни она юртга боғловчи ришта, озод Ватаннинг, она халқимизнинг бугунги ёруғ кунларга етиб келмаган, шу йўлда фидо бўлган собит ва оловқалб фарзандлари хотирасига иззат-икроми, ихлос-эҳтироми тимсоли ҳамдир.

4. Халқнинг дуоси

— Болалигим мана шу ерда ўтган, — деб эслайди мажмуага туташ Ғиёс Умаров номли маҳаллада яшовчи оқсоқол Абдужаббор ота Илёсов. — Тепада Алвастиқўприк, сал берида эса қўрқинчли жарликлар бўлар эди. 1937-38- йилларда ғадойтопмас шу жойлардан кечалари даҳшатли ўқ овозлари эшитилиб турарди. Шунда ҳамма ёқни ваҳима босарди. Юрагимиз музлаб, "Ҳукуматнинг ғазабига учрасанг, шу - Тоштурмадан олиб келиб, яширинча отиб ташлайди," деб ўйлардик. Бу қатлу қирғинлар озмунча давом этганми? Қанча одамларнинг ёстиғини қуритган. Ҳамма ёқни остин-устун қилиб ташлаган. Шундан бери қанча сувлар оқиб ўтди. Лекин ўша йиллар ваҳми шунчалик эканки, яқин-яқингача бу ҳақда биров чурқ этиб оғиз очмаган. Ўтган йили ёзда Президентимиз ўзлари келиб, мусибат уяси бўлган мана шу жойларни кўрдилар, ҳов у тепаликда туриб, "Шаҳ



Маълумки, аҳолининг озиқ-овқат, айниқса, нон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш масаласи бугун мамлакатимиз иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши ҳисобланади. Шу мақсадда республикамизда ғалла ва бошқа турдаги бошоқли дон маҳсулотлари етиштиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Бироқ айрим юртдошларимиз бу эзгу мақсадларга хилоф равишда экинзорлар пайҳон этилишига сабаб бўлувчи ҳатти-ҳаракатлари билан халқ ризқи топталишига йўл қўймоқдалар.

ЖАРИМАЛАР ЭМАС, ҒАЛЛА КЕРАК

Қарор ва ижро

Ғалла экинлари нобудгарчилигининг олдини олиш, уларни нес-нобуд қилмай йиғиб олишни таъминлаш ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг назоратсиз қолиб, пайҳон қилиниши ҳолларига йўл қўймаслик мақсадида 1994 йил 21 ноябрда республикамиз Президенти томонидан "Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш кучайтириш тўғрисида"ги Фармон имзоланган эди. Орадан ўтган вақт мобайнида ушбу Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қатор қарорлари қабул қилинди ва амалга оширилди.

Ўтган йилда мамлакатимиз ғаллакорлари яратган 4 миллион тонналик улкан хирмонда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларининг ҳам ўзига яраша ҳиссаси мавжуд. Чунки улар барака уруғи сепилганданоқ ғаллазорлар ободости ва пайҳон қилинишининг олдини олиш, бу борада тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, мунтазам амалга ошириш, айбдор фуқаро ва мансабдор шахсларнинг жавобгарлик масалаларини адолатли ҳал этишда жонкуярлик билан хизмат қилиб келдилар.

Вазирлар Маҳкамасининг "Экинларнинг пайҳон қилишига қарши кураш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги шу йил 12 январ қарорида эса бу борада ҳокимликлар, тегишли вазирликлар, идоралар, жамоа хўжаликлари зиммасига янада катта масъулият юклатилиб, кечиктириб бўлмас тадбирларни уюшқоқлик билан амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб берилди.

Мазкур қарорнинг 6-бандида "Экинларни пайҳон қилинганлиги учун жавобгарлик тўғрисида" амалдаги қонун ҳужжатларини тарғиб қилиш юзасидан кенг тушунтириш ишларини ташкил этиш Адлия вазирлиги зиммасига юклатилган. Шу аснода вазирликда тегишли чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, уларнинг ўз вақтида, кенг қўламда амалга оширилиши лозимлиги қайд этилган ҳолда жойларга етказилди.

Вазирлар Маҳкамасининг юқорида эслатилган қарорида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 ноябрдаги "Экинларнинг пайҳон этилишига қарши кураш-ни кучайтириш тўғрисида"ги Фармони талабларини бажаришга доир ишлар қониқарли эмас деб ҳисобланиб, айни кунларда ҳам ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг сезиларли даражада нобуд бўлишига йўл қўйилаётганлиги тўғри таъкидланган. Шунингдек, хўжаликлар раҳбарларининг экинларни пайҳон этилишидан асрашга етарли эътибор бермаётганликлари, баъзан эса ушбу муаммодан ўзларини четга тортаётганликлари, вилоятлар, туманлар ҳокимликлари назоратни бўшаштириб юборганликлари асосли равишда қайд этилади. Экинларни пайҳон этганлик учун қонуний жавобгарлик борасида тушунтириш ишлари бевосита фуқаролар йиғинларида, хўжаликларда бўлаётган мулоқотларда ҳам мунтазам баён этилаётир. Булар пайҳонгарчиликнинг олдини олишга қаратилган албатта. Чунки бизга суд орқали ундириладиган жарималар эмас, ғалла ҳосили керак.

Эндиликда суд идораларига келиб тушган жиноят, фуқаролик ишларининг, маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳужжатларининг тез ва холисона кўриб чиқилишини таъминлаш, бунинг моддий, ҳуқуқий оқибатларини аҳоли онгига сингдириш, мансабдор шахслар фаолиятида эса жавобгарлик ва масъулият ҳиссини уйғотиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Ўтган йил натижаларини сарҳисоб қилиш, йўл қўйилган камчиликларнинг такрорланмаслигида муҳим роль ўйнайди. Ўтган йили 4 нафар фуқарога нисбатан ўчта жиноят иши қўзғатилган. Жиноят туфайли етказилган 405 минг 216 сўмлик моддий зарар суд ҳукми билан тўла ундирилган. Жумладан, Жиззах вилояти Пахтакор туман суди томонидан Жиноят кодексининг 198-модда 3-қисми билан айбланган А.Қурбонов ва Н.Тилавовларнинг жиноят иши суд мажлисида кўрилди. Улар 547 бош қўй сурувини Пахтакор тумани Амир Темур номидаги деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси ғаллазорларига ҳайдаб кириб, 5 ярим гектарлик экин майдонини пайҳон қилишган. Бунинг оқибатида уюшмага 170 минг 216 сўмлик моддий зарар етказилган. Бу маблағ суд ҳукми билан хўжалик фойдасига ундирилиб, айбдорлар тегишли жазога маҳкум этилдилар.

Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани "Тошкент" ширкатлар уюшмасига қарашли 3 гектар ғалла майдонига фуқаро Н.Элмурзаевага тегишли кўйлар зарар етказганлиги аниқланиб, айбдор Жиноят кодексининг 198-моддаси 3-қисми билан тегишлича жазоланди.

Республика ғаллакорларининг аксарияти деҳқон-фермер хўжаликлари таркибида бўлиб, хўжаликлар, уюшмалар билан ғалла майдонларини қўриқлаш юзасидан шартномалар тузишган. Лекин амалда хўжаликлар ушбу масалалар билан тўлиқ даражада шуғулланмаяптилар.

Шу ўринда, яна таъкидлаймизки, адлия идоралари, судларнинг эътибори фақат келиб тушган жиноят, фуқаролик ишлари ёки маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳужжатларини тез муддатда кўришгагина эмас, балки пайҳонгарчиликка оид ҳар бир факт ва ҳодисани чуқур текширтириб, сабабларини ўрганишга қаратилмоғи лозим. Бунда иштирокчи шахсларнинг, фуқароларнинг, ўзини-ўзи бошқариш органларининг айбдорлик даражаларига ҳолисона баҳо берилиши жуда муҳимдир.

Адлия вазирлиги ва унинг таркибий тармоқ тизими идоралари томонидан юқоридаги Фармон ва қарорлар ижроси бўйича ўтган йили ҳам муайян ишлар амалга оширилди. Масалан, судларда кўриб, ҳал этилган 123 та экинларни пайҳон қилиш билан боғлиқ фуқаролик ишлари юзасидан жами 1 миллион 434 минг 224 сўм миқдорида моддий зарар суд қарорлари асосида ундирилган. Шунингдек, мазкур ҳолат билан алоқадор 2046 та маъмурий ишлар ўз вақтида кўрилиб, 2152 нафар шахс жавобгарликка тортилган ва улардан жами 3 миллион 926 минг 201 сўмлик моддий зарар ундириш ҳақида суд қарорлари чиқарилган.

Шунингдек, ҳуқуқ тартибот идоралари фаолиятининг таъсирчанлигини ошириш мақсадида ишнинг кўргазмали шаклларидан фойдаланишни етарли деб бўлмайди. Жумладан, 2046 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларидан фақат 140 тасигина сайёр суд мажлисларда кўрилган, холос. Фуқаролик ишлари эса фақат суд биноларида кўриш билан чегараланган.

Судлар томонидан чиқарилган хусусий ажримлар, ўтказилган суҳбат ва учрашувлар, оммавий ахборот воситалари орқали уюштирилган чиқишлар ижобий натижалар бераётганлигини қайд этган ҳолда, баъзи шахслар ҳануз керакли хулоса чиқариб олмаганликларини афсус билан таъкидламоқ жоиз.

Хуллас, эндиликда вазирлик, унинг таркибий тизими ходимлари аҳоли орасида тарғибот ишларини кенг йўлга қўйиб, республика раҳбарияти томонидан ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни сидқидилдан самарали шаклларда бажаришга янада жиддий киришмоқлари айни муддаодир.

П.АЙТНИЯЗОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий сиёсатни мувофиқлаштириш ва ўқув муассасалари бошқармаси бошлиғи, 1-даражали адлия маслаҳатчиси.



КЎРК ОЧАР БАҲОРИСТОН



Баҳористон Қашқадарё вилоятининг олис ва чекка тумани ҳисобланади. Туманнинг ташкил этилганига 20 йил бўлди. Айтиш керакки, туманда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари яхши йўлга қўйилган. Биргина 1997 йилда теннис корти, стадион, деҳқон бозори, 2000 нуқтали алоқа уйи, «Нуронийлар» чойхонаси, 422 ўринли лицей-интернат, супермаркет қурилиб, ишга туширилди. Шунингдек, 8800 квадрат метр уй-жой тикланди.

1998 йилда 22,8 километр газ қувури тортилди ва 486 хонадон газлаштирилди. 50 беморга мўлжалланган қишлоқ врачлик пункти, Пахтабанк, солиқ инспекцияси мўлжалланган бир қатор иморатлар ҳам бунёд этилди. 1999 йилда қурилиш ишлари янада жадаллашди. Хусусан, 60 ўринли туғруқхона, С. Муродов номидаги жамоа ширкат хўжалигида қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Айни чоғда, мактаб, қишлоқ врачлик пункти, туман марказида эса 900 ўринли касб-ҳунар коллежи барпо этилмоқда. Мана булар туман аҳолиси ҳаётидаги ўзгаришлар, янгиликларга интилишлардан далолат беради.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА.

СУРАТЛАРДА: Пахта банк биносининг кўриниши; 3-теннис кортининг бунёд этилганлигидан аҳоли мамнун; Баҳористон кўчалари;

Шомурод ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

«Устоз» республика жамғармаси томонидан ўтказилган «Канада таълим тизимининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуидаги семинарда қатнашган юзга яқин педагогдан ўттиз беш нафари танлаб олиниб, Канада олий ўқув юрти ва илмий марказларида малака оширишга юборилади ган бўлди.

КАНАДАГА МАЛАКА ОШИРГАНИ

– Ўқув жараёнида янги ва замонавий педагогик усулларни унумли қўллаганим сабабли танлов ғолиби бўлдим, – деди республика Олий ва ўрта махсус таълим мактаби мажмуаси институти ходими Ҳасан Усмонов. – Шу йилнинг апрел ойида Канаданинг Нова Скотте округидаги Комюните коллежида малака ошириш учун жўнаб кетишга тараддуд кўряпмиз. Сафардан кўзланган мақсад, у ердаги ўқитишнинг илғор усулларини ўрганиб, юртимиз таълим тизимига татбиқ этишдир.

«Туркистон-пресс».

Олиб ўқинг

ҲУҚУҚИНГИЗНИ ТАНИЙСИЗ

Мамлакатимизда бозор муносабатларини шакллантириш, аввало, унинг ҳуқуқий негизларини яратишни талаб этади. Бу ҳуқуқий давлат барпо этиш учун ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида амалга ошириладиган ислоҳотнинг ҳам таркибий қисмидир. Парламентимиз томонидан қабул қилинган Фуқаролик кодекси — мулкий муносабатларнинг ўзига хос қомуси сифатида ана шу вазифаларни бажаришда ғоят муҳим ўрин тутади. Зеро, ушбу кодекс фуқаролар ва юридик шахсларнинг кундалик муносабатларда учрайдиган мулкий, шартномавий муносабатларини тартибга солишга қаратилган.

Модомики шундай экан, унинг мазмун ва моҳиятидан барчамиз хабардор бўлишимиз лозим. Яқинда «Адолат» нашриёти юридик фанлари доктори, профессорлар Икром Зокиров, Бобоқул Ибратов, юридик фанлари номзодлари Сотиболди Бобоқулов, Худойқул Азизов, Тамара Кочергина каби олимлар муаллифлигида ёзилган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳуқуқи» дарслигини босмадан чиқарди. Мазкур дарслик Фуқаролик кодексидан кенг фойдаланилган ҳолда ёзилган. Бу ҳақда кенгроқ тушунчалар берилган.

Унда мажбуриятларнинг алоҳида турлари, шу жумладан, бозор муносабатлари тизимида ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган турли шартномалар мазмуни, шахсий, мулкий, ворислик ва халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини фуқаролик ҳуқуқий муносабатларига нисбатан татбиқ қилиш масалалари батафсил ёзилган. Дарсликнинг ушбу қисмини яратишда муаллифлар жамоаси бакалавриат ўқув дастури бўйича талаблардан келиб чиққан ҳолда мамлакатимиз Конституцияси, амалдаги қонун ва кодекслари ҳамда суд амалиёти материалларидан ҳам унумли фойдаланишган.

Ишонамизки, мазкур дарслик тушунарли, содда ва равон тилда ёзилгани ва унда ёритилган масалалар барча учун аҳамиятлилиги сабабли тадбиркорлар ва кенг жамоатчилик томонидан ҳам қизиқиб мутоалаа қилинади.

Ўз мухбиримиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

8 МАРТ ВА НАВРЎЗ БАЙРАМЛАРИ АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ БАРЧА АҲОЛИСИ УЧУН

ЯНА ҚУЙИДАГИ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

"8 Март" қўйилмаси — маблағлар ***йилига 100% даромад тўлаш шарти билан*** ***1 мартдан 7 мартгача*** (10 кунлик муддатга) қабул қилинади.

"Наврўз" қўйилмаси — маблағлар ***йилига 70% даромад тўлаш шарти билан*** ***9 мартдан 20 мартгача*** (30 кунлик муддатга) қабул қилинади.

АЙНИ ПАЙТДА МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ ҚЎЙИЛМАЛАР БЎЙИЧА ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ОШИРИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

"Сўм карточкаси" қўйилмаси	-	**йилига 36%,** талаб қилиб олинмаган фоизларни капиталлаштириш натижасида даромад **йилига 42,6%ни ташкил этади.**
"Таътил" қўйилмаси (3 ой муддатга, талаб қилиб олинмаган ҳисобварақлар бўйича шартнома муддати ўз-ўзидан узайтирилади)	-	**йилига 33%,** талаб қилиб олинмаган фоизларни капиталлаштириш натижасида даромад **йилига 38,5%ни ташкил этади.**

ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ ТУРДАГИ МУДДАТЛИ ҚЎЙИЛМАЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:

"Оқсоқол", "Меҳрибон она" (1 йил муддатга)	-	***йилига 25%,***
"Тўёна" (2 йил муддатга)	-	***йилига 30%,***
"Сарпо" (3 йил муддатга)	-	***йилига 31%,***
"Келажак" (камида 5 йил муддатга)	-	***йилига 36%*** (МБнинг қайта молиялаш ставкаси бўйича),
"Муддатли" (5 йил муддатга)	-	***йилига 40%.***

2000 йилнинг 1 апрелида **"Нисо"** *қўйилмасининг амал қилиш муддати тугайди.*

Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият банки — сармоянгиз даромад келтириши ва сақланишига кафолатдир.

Қўшимча маълумотларни сиз қуйидаги телефонлар орқали: (998 71) 137-62-83, 137-62-80 ёки Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг исталган бўлим ва филиалидан олишингиз мумкин.

NBU

АСКАР МАКТУБЛАРИ

Аскарлик — ҳар бир ўғлоннинг Ватан олдидаги йигитлик бурчини ўташ даври. Ҳарбий хизмат кишини ҳар томонлама чиниктиради. Ота-онасининг, юрт осойишталигининг қадрига етишга ўргатади. Ва аскар илк таассуротлари ҳақида яқинларига мактублар битади.

Қуйида ана шундай номаларнинг бир нечтасини эътборингизга ҳавола этамиз.

БУ СЕРГАКЛИК ВАТАН УЧУН

Салом, Умида! Аввало, анчадан бери хат ёза олмаганим учун узр сўрайман. Бизда ҳозир ўқув машғулотлари бўлаяпти. Ҳар бир дақиқамиз ғанимат. Шу боисми, бутун диққат-эътиборимиз жанговар тайёргарликка қаратилган.

Кеча сени тушимда кўрибман. Қўлимда қурол билан постда турганмишман. Шу пайт олислардан қўшиқ таралаётгандай бўлди. Қайси қушиқ дегин? Доим ҳиргойи қилиб юрадиганим «Умидам» деган қўшиқ. Унинг оҳангига сармаст бўлиб, мен ҳам ўз Умидамни ўйлаб турсам, бирдан оппоқ келинлик либосида сен пайдо бўлдинг.

— Соғиндингизми, мана мен, — дермишсан. Ва яна, зимзиё ярим тунда бир ўзингиз тургани кўркмайсизми, дея саволлар берар эмишсан. Мен эса тарам-тарам сочларингга термулиб турганим боис, сўзларинг қулоғимга кирмасмиш. Беихтиёр сенга яқинлашиб сочларингни силамоқчи бўлдим. Негадир ўзингни олиб қочдинг (олдин бундай қилмасдинг).

«Йўқ, Илҳом ака, чалғиманг, сиз ҳозир постда турибсиз. Бу масъулиятли вазифани сизга ишониб топширишган. Уни шараф билан уддалашингиз керак».

Тушимда айтган сўзларинг хизматимда қандайдир куч-қувват, дадиллик бағишлагандай. Жанговар ва жисмоний тайёргарлик бўйича кўрсаткичларим сафдошларимга нисбатан анча кўтарилди. Умида, биласанми, мен билан биргалигингни, доимо ёнимдалигингни дилдан ҳис этиб, хизматимни адо этаётирман.

Сен постда мағрур ва сергак туринг, деб тўғри айтдинг ва мен шундай қилаяпман. Зеро, бу сергаклик Ватан учун, отаонам учун, сен учун. Фақат сен мени кутгил.

Илҳом РАЖАББОЕВ,
Чирчиқ шаҳри.

ТАБРИКЛАЙМАН, ОНАЖОН!

Ассалому алайкум, ҳурматли «Халқ сўзи» газетаси таҳририяти ходимлари.

Мен Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчимни ўтаётган оддий аскар Дилшод Зуфаровман.

Ҳарбий қисмимиз «Халқ сўзи», «Ватанпарвар», «Постда», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газеталарига обуна бўлгани учун уларнинг ҳар бир сонини ўқиб борамиз. Ҳафтасига бир маротаба катта залга йиғилиб, матбуотда чиққан мақолалар юзасидан мунозаралар ҳам уюштирамиз.

Менга газетангизда жаҳонда юз бераётган ҳодисалар, санъат ва спорт янгиликлари ўз вақтида, кенг ёритилиши жуда ёқади. Бугун сизларга хат ёзишимнинг сабаби — ҳозирда ногиронлик туфайли уй бекаси бўлиб ўтирган меҳрибон онажонимнинг таваллуд топган кунлари билан газета орқали табриклащдан иборат.

Ушбу мактубим газета саҳифаларига чиқиш-чиқмаслигидан қатъий назар, сизларга қизиқарли мавзуларда ёзаётганингиз учун раҳмат. Бундан кейинги ишингизда ҳам ривож, шахсий ҳаётингизда бахт-омад тилайман.

Ҳарбий қисмимиз аскарлари номидан Ватан посбонлари ҳақида янада кўпроқ мақолалар чоп этишингизни сўраймиз.

Дилшод ЗУФАРОВ,
Тошкент шаҳри

ЭР ЙИГИТНИНГ БУРЧИ

(Ўктамжон акамдан бошқалар ўқимасин)

Тун... Сокин ва осойишта тун. Чор-атрофни жимжитлик бутунлай забт этгандек гўё. Ушбу сукунат ҳукм сурган сайин қалбимни қандайдир туйғулар чулғаб, кўзимдан уйқу қочади. Кун бўйи қанчалик чарчамайин, киприкларим нечоғли оғирлашмасин, кўнгил кўзининг пинакка кетиши мушкул.

Қалб амрига бўйсуниб, оҳиста ёстиғим остига қўл чўзаман. Уйдагилардан беркитиб қўйган суратингизни олиб унга узоқ тикиламан. Қиш пайти оппоқ қорлар қўйнида тушган ушбу суратингизда менга жилмайиб: «Гулчеҳра, шошма, буёғи оз қолди, сенинг ҳам мана шу оппоқ кордай келинлик либосини киядиган кунларинг яқин», — дегандай бўласиз.

Беихтиёр кўнглим ҳаприқиб, ширин орзулар оғушида дераза олдига бораман. Эй-а, ёмғир ёғяптими? Ёққанда ҳам майдалаб, шиғалаб ёғяпти. Ўктамжон ака, эсингиздами, ҳарбий хизматга кетишингиздан бир кун олдин учрашганимизда ҳам ёмғир ёққанди.

Ўктамжон ака, қишлоқдаги баъзи соппа-соғ, барзангидай йигитларнинг ҳарбий хизматдан қолиш учун касаллиги ҳақида тиббий маълумотномалар тўплаётганини кўрсам, ҳайф сизга йигит деган ном, дегим келади. Эсингиздами, кетаётганингизда бир ярим йиллик айриликдан қўрқиб, боришингиз шартми, мана фалончи бормаса ҳам кимсан, фалончи бўлиб юрибди-ку, деганимда: «Гулчеҳра, Ватанга хизмат қилиш ҳар бир йигитнинг бурчи, мен ана шу муқаддас бурчимни бажаришим зарур», — дея мени юпатгандингиз. Шу гапларни юқоридаги йигитларнинг юзига шартта-шартта айтгим келади-ю...

Дилномамнинг интиҳосида сизга битта хушхабар айтмоқчиман. Кеча уйингиздагилар бизникига келиб кетишди (балки элчиликнинг гуноҳкори ўзингиздир). Хуллас калом, катталар икки томонлама сулҳ тузишибди. Маҳфий «агент»ларимнинг хабарига қараганда хизматдан қайтишингиз билан тўй бўларкмиш...

Ёмғир ёғяпти. Ўшанда ҳам ёмғир ёққанди. Кафтингизга кафтимни олиб, шўхлик қилгандингиз. Шўхликларингиз (йўғ-е, уят бўлади), ўзингизни соғиниб қолувчи

ГУЛЧЕҲРАНГИЗ.

Мактубларни «Халқ сўзи» мухбири Озод БЕК оққа кўчирди.

СЎНМАС ШУЪЛАЛАР

Халкимизнинг XX асрдаги ҳаёти мураккаб кечди. Деярли 70 йил мобайнида тоталитар тузум ва унинг мафкураси тазйиқида яшадик. Худди мана шу ҳол халқимиз ҳаётини мураккаблаштиргани каби, маданиятимиз, адабиётимиздаги жараёнларда ҳам оғир асоратлар қолдирди. Не-не улкан истеъдод эгалари ўтган тузумнинг қурбони бўлдилар. Қанча адибларимиз тубсиз армонлар билан яшаб ўтдилар. Мавжуд режим ва мафкура билан муросада яшашга ва ижод қилишга мажбур бўлдилар. Шунга қарамай, ўзларидан истеъдоднинг ҳақиқий жозибаси билан нурланиб турган асарларни қолдирдилар.

Биз бугун олис ва яқин ўтмишни қайта идрок этишдек бир жараённи бошдан кечирмоқдамиз. Жумладан, собиқ совет тузуми даврида мавжуд адабиёт, унинг намояндаларидан қолган меросни ҳам мустақиллик бағишлаган адолат мезонлари билан баҳолаб, ўрганиш бизнинг бурчимиздир. Бундай баҳолашда бир ёқлама танқид, яккаш қоралаш ҳеч бир самара бермайди. Даврнинг тарихий ўзига хослигини инобатга олиш, яқин ўтмишда истеъдод эгаларига осон бўлмаганлигини унутмаслик, улар ижодида турли қутбларнинг мавжудлиги шахсий ихтиёрдан ташқарида юз берганлиги — танқидий-адабий таҳлилларнинг асоси бўлмоғи керак. Ўтган адибларимиз ҳаёти ва ижодига ҳурмат, уларнинг асарларида тараққиётнинг ўзи инкор этган жиҳатлар билан бир қаторда, биз унутмаслигимиз, балки асраб авайлашимиз, қадрлашимиз лозим бўлган ноёбликлар ҳам мавжудлигини тан олиш адолатдан бўлади.

Ғафур Ғуломнинг ҳам, Ойбекнинг ҳам, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳам, Шайхзода, Уйғун ва бошқа адибларнинг ҳам ижодий мероси худди шундай қарашни тақазо қилади. Ана шу адиблар қаторида Комил Яшин алоҳида ўрин тутади.

У 20-йиллар шароитида ўз шеърлари ва драматик асарлари билан адабиётда чақнаб кўринди. У ижодиётда шундай шўҳлаларни қолдирдики, улар ҳақиқий истеъдод нурлари, улкан шахснинг қалби ва ёркин руҳияти иньом этган бадиий сўзнинг жозибалари, ёғдуларидир. Биз бугун, мустақиллик даврида аёллар қадри нақадар баландга кўтарилаётганлигига гувоҳмиз. Бизнингча, озодликка, нурга ташналик билан яшаган, ўз табиатидаги истеъдодни эркин намоён этиш учун курашиб, ҳалок бўлган Гулсаралар, Нурхонлар хотирасини ўз асарларида ҳаётий гавдалантирган Комил Яшиннинг маънавий орзу-интилишлари бизга, ҳозирги кунга тўла ҳамнафасдир. Комил Яшиннинг Ҳамза, Файзулла Ҳўжаев каби сиймоларнинг тақдири, ҳаётига бағишлаган асарлари ҳам кенг феъл, инсоний самимият билан ёндошувни талаб қилади. Тўғри, бу асарларда эски мафкуранинг таъсири йўқ эмас. Аммо уларда биз учун қадрли бўлган маънолар, мустақиллик даврига монанд мақсад ва тафаккурлар ҳам бор.

Комил Яшин, айни пайтда ўша мураккаб даврда республика ёзувчилар ташкилотига ҳам кўп йиллар раҳбарлик қилди. Мана шу фаолияти пайтида ўта камтар, ҳозиржавоб, мурувватли, пок инсон, инсофу диёнатли раҳбар сифатида ўзидан яхши хотиралар қолдирди. Бундай хотира ҳозирги адабиётимизнинг кўпгина кўзга кўринган намояндалари қалбида ҳамон яшаб келмоқда. Ширинсухан, теран ички маданиятли бу зот ижод аҳлига меҳрибон, ғамхўр, дарду ташвишларига зийраклик билан қулоқ тутиб, қўлидан келган қиммат ва ёрдамини аямас эди. Адабиётимизни холис, адолатли баҳолаб, улар ўзимизда ва бошқа тилларда нашр этилишига яқиндан кўмаклашар эди.

Комил Яшиннинг иш фаолиятида мушкул жумбоқ бўлиб турган муаммолардан бири адабий меросга, яъни Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар ижодига муносабат эди. Кўпчилик қатори Комил Яшин ҳам раҳбар, ҳам адиб сифатида замонасозлик қилишга, ҳукмрон мафкурани ҳисобга олишга мажбур бўлган. Шулардан келиб чиқиб, юқоридаги адиблар ижодига баҳо берган. Адашган ҳоллари ҳам бўлган. Лекин Комил Яшин ўша оғир йилларда «Ўтган кунлар» романини кўз қорачуғидай ўз кутубхонасида асраб келди. Мабодо ўша кезларда бу китоб тегишли ташкилот одамлари қўлига тушиб қолса, нима бўлиши сизга аён. Ниҳоят қора булутлар тарқала, бошлаши билан Комил Яшин юрагидаги дардини юзага чиқарди. Бу, айниқса, ёзувчиларнинг VII қурултойида содир бўлди. Комил Яшин ҳеч кимдан чўчимай Фитрат ва Чўлпонларнинг асарларини нашр этиш лозим, деб айтди. Унинг тавсияси билан Фитратнинг «Меърож» асари «Гранат» («Анор») ҳикоялар тўпламида босилиб чиққан. Бу адибларнинг оқланишида ҳам унинг хизматлари катта.

Комил Яшиннинг бошқа мамлакат адабиётлари билан, жаҳоннинг илғор адиблари билан алоқани мустаҳкамлашда, дўстлик ва ҳамкорликни кучайтиришда ўзига хос ўрни бор. Комил Яшин бу адабиётларни тарғиб қилиш билан бирга, улар билан дўстлик ришталарини боғлади. Улар К. Яшиннинг адабий-ижтимоий фаолиятига юксак баҳо берганлар. У рус адиблари Михаил Шолохов, Георгий Марков, Вадим Кожевников, озарбайжон адиби Мирза Иброҳимов, тожик шоири Мирзо Турсунзода, қирғиз халқининг маданият арбоби Чингиз Айтматов, туркман адиби Берди Кербобоев, доғистон шоири Расул Ҳамзатов каби талай сўз усталарининг, чет элдаги Файз Аҳмад Файз, Ла Гума, Азиз Несин сингари кўплаб адибларнинг нигоҳига тушган ва улкан ҳурматларига сазовор бўлган эди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтишимиз керакки, К. Яшин мамлакатимизнинг мустақиллигини қувонч билан кутиб олган эди. У Ўзбекистон мустақиллигининг бир йиллиги муносабати билан босилиб чиққан «Олтин кўприк» мақоласида завқ-шавқ билан шундай шодлик сўзларини битган: «... халқимизни дил-дилдан улуғ байрам билан қутлайман... Ахир, шунча умр кўриб бир маротаба ҳам тушимизга кирмаган улуғ байрам бу».

Бутун ижоди даврида қайнаб-тошиб меҳнат қилган, ёзувчиларнинг азиз меҳрибони, ёш қаламкашларнинг катта устози ва ғамхўри, миллий адабиётимизнинг карвонбошиларидан бири Комил Яшин адабиётимизнинг ўзига хос намояндаси сифатида яшаб қолади.

Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
Ҳуқуқ — 136-07-94;
Иқтисодиёт — 136-36-65;
Маънавият ва маърифат — 136-35-60, 132-10-65;
Хатлар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 132-11-15;
Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 106, 27017 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II mmx компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — Ж. САДУЛЛАЕВ.
Навбатчи — Т. АБДУРАҲМОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — А. САТТОРОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топширилди — 21.40
1 2 3 4 5 6

●СПОРТ ●SPORT ●СПОРТ



ЭШИКЛАР ҲАММА УЧУН ОЧИҚ

Сўнгги йилларда пойтахтимизда кўплаб замонавий иншоотлар, шу жумладан, спорт мажмуалари барпо этилди. «Жар» спорт-соғломлаштириш маркази ҳам шубҳасиз ана шу қаторга киради.

Ҳозирда бу ерда 17 та спорт тўгараги мунтазам фаолият кўрсатмоқда. «Соғлом авлод йили» муносабати билан мажмуа қошида ишга туширилган тиббий диагностика маркази энг замонавий ускуналар билан жиҳозланган.

СУРАТЛАРДА: Таэквандо бўйича мураббий Мирсултон Миржалилов ёш шогирди Шерзод Қурбонов билан; Зилола Аюпова ушбу шарқона якка кураш сирларини ўрганишда ўғил болалардан қолишмаяпти.

Манзура ШАРИПОВА олган суратлари.

ҚИШЛОҚДА БОКС ЗАЛИ

Амударё туманидаги «Тўлқин» ширкат хўжалигида замонавий бокс зали очилди. Унда қишлоқ ўсмирлари жисмоний камолотнинг бу муҳим тури билан мунтазам шуғулланиш имконига эга бўладилар.

— 50 нафар болалар машғулотларга қатнашмоқда, — дейди мураббий Азим Мухторов. — Улар орасида XXI аср чемпионлари етишиб чиқишига ишончимиз комил.

ҲАММАДАН ЧАҚҚОН

Кўл тўпи бўйича Нукус шаҳри ўқувчиларининг беллашуви ўтказилди. Бир неча кун давомида кўл тўпи мухлислари қизиқарли ўйинлар шоҳиди бўлишди.

Ўқувчи қизлар ўртасида 9-, ўғил болалар баҳсида 21-ўрта мактабларнинг вакиллари ҳаммадан чаққон, эпчил эканликларини исботлаб, биринчи ўринни эгалладилар. Голибларга ҳомий ташкилотлар совғалари топширилди.

Я. ҚЎЧҚОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БИРНИНГ ҚАСРИ МИНГГА УРМАСИН

Ўзингиздан қолар гап йўқ, собиқ шўролар замонида ажиб тартиб-қоидалар жорий этилганди. Масалан, маълум тоифадаги йўловчилар жамоат транспорти хизматидан текин фойдаланиш ҳуқуқига эга эдилар. Мустақилликка эришганимиздан сўнг бу борада ҳам муайян ўзгаришлар рўй берди. Автокорхоналарнинг аксарияти ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Замон тақозосига биноан, транспорт воситалари ҳақиқий эгаларига берилди. Шунга мувофиқ, ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг йўловчилар уловида пул тўламай юриш имтиёзлари бекор қилинди.

Мана, имтиёзлар бекор қилингандан буён орадан салкам тўрт йил ўтди. Шунга қарамай, ҳозирга қадар, хоҳ шаҳар жамоат транспортида бўлсин, хоҳ узоқ масофаларга қатновчи автобусларда бўлсин, ғалати бир ҳолат кузатилади. Ушбу соҳанинг айрим вакиллари йўлкира ҳақини эл қатори, ўз ихтиёрларича тўламайдилар. Манзилга етгач, лоақал раҳмат ҳам айтмай, индамайгина тушиб кетаверадилар.

Хизмат юзасидан сафарларга чиққан кезларим бундай воқеаларга кўп дуч келганман. Ҳатто чипта олишларини сўраган ҳайдовчиларга нуфузли идоралар томонидан берилган хизмат гувоҳномаларини пеш қилганликларини ҳам кўрганман. Баъзан осмондан келиб, «Омон бўлсинлар, бизга соғлиғингиз керак», дея пичинг аралаш гап қотганларини эшитганман. Кейинги йилларда айрим солиқчилар ҳам шунақа йўл тутаётганликларининг гувоҳи бўлдим.

Ажабо, нега шунақа? Нега ҳуқуқ-тартибот ҳимоячиларидан айримларининг сўзлари ила ишлари бошқа-бошқача? Ҳолбуки, қайсидир автобус бошқарувчиси йўл қоидасини билиб-билмай бузса, белгиланганидан ортиқча одам олса ёки вақтида чипта тарқатмаса, уни айнан мана шу кишилар тергашади. Қонунбузарга тегишлича жазо тайинлашади. Хўп, шундай экан, нима учун ўзлари барчага баробар қонун-қоидага риоя қилмайдилар? Нима учун ўзгаларга ибрат-намуна бўлмайдилар?

Албатта, масаланинг иккинчи томони ҳам бор. У ҳайдовчиларга таллуқли. Мабодо, улардан «Нега фалончи-писмадончилардан йўлкира ҳақини талаб қилмайсизлар? Нима, уларнинг ўқи ўзганми? Ёки жамоат транспортида текин юришлари мумкинлиги тўғрисида бирон-бир кўрсатма мавжудми?» деб сўрасангиз, аввалига ажабланиб, елка қисишади. Сўнгра паст овозда оҳиста шивирлашади: «Аслида-ку, пул тўлаб, чипта олишлари шарт. Бироқ ўз билгиларидан олишмаса, нима қилайлик? Нозик одамлар билан ҳазиллашиб бўладими? Бир ўчакишса, тамом-вассалом, текшир-текшир қилавериб, жонга тегишади. Бунақа ортиқча дақмазанинг бизга нима кераги бор?..»

Дўст ачитиб гапирар...

Ҳа, баракалла! Буниси энди, адашмасам, «Оч қорним – тинч қулоғим» деганлари бўлади. Сабаби аён: аксари ҳайдовчиларнинг тиллари қисиқ. Улар оддий йўловчилардан кира ҳақини, талашиб-тортишиб бўлсада, охирги сўмигача ундириб олишни қойиллатишади-ю, чипта беришни негадир кўпинча «унутиб» қўйишади. Шу боис текширувчиларни кўрганда тиззалари қалтирайди. Айбларини хаспўшлаш учун ўз наздиларидаги «нозиктаъб» мижозларига сизу бизнинг ҳисобимиздан «ҳотамтойлик» кўрсатишади. Аниқроғи, «Сиздан угина, биздан бугина» қабилида зимдан иш юритишади. Қарабсизки, сих ҳам, кабоб ҳам куймайди. Оқибатда назорат ўлади. Тушум пулларининг бир қисми талон-торож қилинади, корхона ва давлат моддий зарар кўради. У маънавиятимизга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Йўқ, бу билан мен туну кун ўз ўринларида ҳушёр тинчлигимиз посбонларининг, давлатимиз ва халқимизнинг бойишига муносиб ҳисса қўшаётган солиқчиларимизнинг, мудом узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилаётган транспортчиларимизнинг барчасини бирваракайига ёмонотлиқ қилмоқчи эмасман. Зеро, уларнинг ораларида бурч-вазифаларини ҳалол бажараётганлари, эл-юрт равнақи йўлида сидқидилдан хизмат қилаётганлари кўп, жуда кўп!

Мен бошқа бир нарсани таъкидламоқчиман. Бу янглиғ касб эгалари доимо эл назарида бўладилар. Зиммаларига юклатилган масъулият нуқтаи назаридан қараганда, қонун тимсоли ҳисобланадилар. Демак, бирортаси сал ножўя қадам қўйса ёхуд ҳақиқатга зид иш тутса, дарҳол кўзга ташланади. Оқибатини эса, биласиз, ҳамкасблари шаънига доғ туширади. Таъбир жоиз бўлса, бирнинг касри мингга уради.

Эҳтимол, бу мулоҳазалар кимларгадир эриш туюлар. Лекин тайин ҳақиқатни унутмаган маъқул: ўғрилик игна ўмаришдан, катта қонунбузарликлар майда тартибсизликдан урчийди. Келиб-келиб, кимсан, адолат пешвоси, қонун посбони тартибни бузса, кўнгил ранжийди.

Эндиликда биз ҳар жабҳада қонун устуворлигига эришиш учун интилаяпмиз. Бу улуғ мақсаднинг чўнг шарти эса битта: оддий фуқаролардан тортиб йирик амалдорларгача – ҳамма-ҳамма умум томонидан қабул қилинган тартиб-қоидаларга сўзсиз бўйсунмоғи лозим.

Абдунаби ҲАЙДАРОВ.

Vinlad Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!

Барча жиҳозларга нархларнинг 10% дан 30% гача арзонлаштирилганлигини ЭЪЛОН ҚИЛАМИЗ.

Кафолатлар сақланади



C&K SYSTEMS GLOBAL SECURITY TECHNOLOGY
Philips Communication & Security Systems PHILIPS
Honeywell
SILENT WITNESS
FERMAX

Тошкент ш., Қушбеги к., 18, тел.: 50-46-13, 50-99-13, 50-86-80, факс 50-03-61

2538

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси бош консультант Низомиддин Маҳмудовга волидаи муҳтарамалари **БИБИСОРА аянинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон телевидениеси жамоаси телевидениенинг фахрийси Фарид Рашидовга ўғли **Анвар РАШИДОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси республика радиосининг «Машъал» дирекцияси ходими **Кабир ШУКУРОВнинг** вафот этгани муносабати билан оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Гўшт-сут савдо» давлат акциядорлик жамияти жамоаси 2-музхона омборчиси Нигмат Назаровга оталари **Собит НАЗАРОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоаси «Халқ сўзи» газетаси мусаҳҳиҳи Масъуда Ёқубовага волидаи муҳтарамаси **Хатира КАМОЛОВанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Президиуми жамоаси ва Касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси Ўзбекистон республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институти лаборатия мудири, Беруний номидаги мукофоти совриндори, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўратган фан арбоби, физика-математика фанлари доктори, ЎзР ФА ҳақиқий аъзоси **Раҳим Бекжонович БЕКЖОНОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардлик билдирадилар.